

# ОМИНА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал, 1435, Рабиъул аввал, 3-сон



[www.muslimaat.uz](http://www.muslimaat.uz)


«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ  
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

ОДИНАХОН МУҲАММАД ЮСУФ  
МУЯССАР ҚАЮМОВА  
ГЎЗАЛ ДАДАМУҲАМЕДОВА  
ИРОДА АҲМЕДОВА  
НАЗОКАТ КОСИМОВА  
ДИЛАФРУЗ ЮСУПОВА  
ГУЛШОДА МЎМИНОВА  
ЗАРНИГОР АҲМАДАЛИЕВА  
УММУ МУҲАММАД БИЛОЛ

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ:  
[muslimalar1@gmail.com](mailto:muslimalar1@gmail.com)

صَلَّى اللهُ  
عَلَيْهِ  
وَسَلَّمَ

مَدِينَةُ  
الْمَدِينَةِ  
وَالْمَدِينَةِ  
وَالْمَدِينَةِ



الَّتِي أُولَىٰ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ وَأَزْوَاجَهُنَّ أُمَّهَاتُهُمْ وَأُولَئِكَ الْأَرْحَامُ  
بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُهَاجِرِينَ  
إِلَّا أَنْ تَفْعَلُوا إِلَىٰ أَوْلِيَائِكُمْ مَعْرُوفًا كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ  
مَسْطُورًا ﴿٦﴾

**«Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлидирлар. Фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустаснодир. Бу китобда сатрлар ила битилмиш»** (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Бундан олдинги оятлар ила фарзанд асраш ҳукми бекор қилинди. Тўғрироғи, уларда бу жоҳилий ҳукмнинг ботил экани баён қилинди. Ўша баёнга биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Зайд розияллоҳу анҳу ораларидаги тутинган ота-болалик алоқаси ҳам узилди. Зайд розияллоҳу анҳу эса бу алоқа билан фахрланиб юрар эдилар. Шу боисдан, ҳатто отаси ва амакисидан ҳам воз кечган эдилар. Табиийки, бу ҳолат у кишининг руҳий-маънавий дунёларига таъсир қилган. Зайд розияллоҳу анҳу ўзларида қандайдир ваҳшат – ёлғизлик ҳис этган бўлишлари мумкин. Шунингдек, бошқа мусулмонларда ҳам, ҳатто мусулмон эмасларда ҳам шу каби ҳолатлар кўрилгандир. Натижада Пайғамбар мўминларга

нисбатан қандай мақомда бўлади, деган савол туғилган бўлиши керак.

Ушбу оятнинг аввалида Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳунинг кўнгиллари кўтарилмоқда ва уйғониши мумкин бўлган мазкур саволларга жавоб берилмоқда:

**«Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир».**

Яъни Пайғамбарнинг мўминлар учун тутган ўрни шунчалик улуғки, у асраб олган отадан ҳам, сулбий отадан ҳам, ҳатто ҳар бир мўминнинг ўз нафсидан ҳам юқори даражададир. Унинг бу даражаси доимий ва боқийдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир нарсада мўминлар учун ҳаммадан, ҳатто ўзларидан ҳам устун мақомдадир.

Бу ғоятда олий мақомдир. Бу дунёда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа инсонга берилмаган мақомдир. Бу мақомнинг улуғлигини янада чуқурроқ тушунишимизга ҳадиси шарифлар ёрдам беради.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Менинг нафсим Унинг қўлида бўлган Зот билан қасамки, сизлардан бирортангиз мен то унга ўзидан, молу дунёсидан, боласидан ва барча одамлардан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди».

Имом Бухорий ривоят қилган яна бошқа бир ҳадисда айтилади:

«Умар розияллоху анху:

– Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

– Йўқ, эй Умар! Токи мени ўзингдан ҳам маҳбуброқ кўрмагунингча, бўлмайди, – дедилар. Умар розияллоху анху:

– Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, албатта, сиз мен учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўзимдан ҳам маҳбубсиз, – деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

– Ана энди бўлди, эй Умар, – дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам ҳақлироқ эканликлари фақат у зоти бобаракотнинг шахслари билан чегараланмайди, балки у киши келтирган таълимотлар ҳам мўминлар учун ҳамма нарсадан устун туриши лозим.

У зоти бобаракот соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида:

«Сизлардан бирортангиз, токи унинг нафси мен келтирган нарсага эргашмагунича, мўмин бўла олмайди», – деганлар.

Демак, қандайдир Фалон-Пистонларни ўзига дохий, йўлбошчи, раҳнамо билганларнинг кимлиги маълум. Ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам келтирган Қуръон ва Суннатни қўйиб, бошқа таълимот, назария ва казо-казоларга эргашиб юрганларнинг кимлиги маълум. Мусулмон киши эргашадиган таълимот, ҳаётнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъи назар, ҳазрати Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам олиб келган Қуръон ва Суннатдир, бошқа гап ортиқча.

Бу ояти каримага тааллуқли ривоятлардан бирида имом Бухорий улугъ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини ҳикоя қиладилар:

«Ҳеч бир мўмин йўқки, мен унинг учун бу дунё ва охирада одамларнинг энг ҳақдори бўлмасам. Агар истасангиз, **«Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир»** оятини ўқинглар. Бас, қайси бир мўмин ўзидан кейин мол-мулк мерос қолдирса, уни қариндошлари олсин. Агар қарз ёки зое бўлган болалар қолдирса, эгаси менга келсин, мен унинг мавлосиман».

Яъни «Вафот этган ўша мўминнинг қарзини мен тўлайман, етим қолган болаларига қарайман».

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг мўминларга нисбатан мақомларини баён қилиш муносабати билан у кишининг аёлларининг ҳам мўминлар учун қайси мақомда туришлари айтилмоқда.

**«Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир».**

Яъни Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг хотинлари мўминларнинг оналаридир. Мўминларга рухий-маънавий она мақомидадирлар. Улар ўз оналарини қандай ҳурмат-эҳтиром қилсалар, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг аёлларини ҳам шундай эҳтиром қиладилар. Насабий оналарининг никоҳи уларга ҳаром бўлганидек, бу оналарнинг никоҳи ҳам ҳаром бўлади. Бошқа ишлар ва ҳукмлар ҳам шунга ўхшаш.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ва у зотнинг аёлларининг мўминларга нисбатан мақомлари баён қилинганидан сўнг, кейинги жумлада мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига нисбатан муомалалари баён этилади:

**«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлидирлар».**

Ушбу жумлада баён қилинаётган «ҳақ» мерос масаласига боғлиқдир. Ушбу оят нозил бўлгунича мусулмонлар орасида мерос олиш дўстлик, тутинган оға-инилик асосида бўлар эди. Бу жоҳилият одати эмас, ҳижратдан кейинги дастлабки пайтда Ислоом жорий қилган қоидалардан эди.

Мўмин-мусулмонлар динларини сақлаб қолиш мақсадида молу дунёларини, ватанларини, қариндош-уруғларини ташлаб, Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб келдилар.

Шунингдек, Мадинаи Мунавваранинг туб аҳолисидан бўлмиш мусулмон ансорийлар ҳам Ислоом туфайли кофир қариндош-уруғларидан ажралдилар. Шунда инсоний алоқаларда маълум даражада ўзгаришлар бўлди. Деярли ҳамма мусулмонлар инсоний алоқалар бобида йўқотган яқинлари ўрнига янгисини излаб қолдилар.

Ана шу пайтда Набий соллаллоху алайҳи васаллам машҳур биродарлаштириш тадбирини қўлладилар. Муҳожирлар ва ансорийлар ўртасида диний ака-укалик, оға-инилик алоқаларининг боғланишини тарғиб қилдилар. Ўзлари уларнинг номларини айтиб, «Фалончи, сен Пистончи билан биродар бўл», деб, уларнинг ақийда асосидаги биродарларга айланганларини эълон қилдилар.

Ана ўша биродарлаштиришнинг бошқа ҳукмлари орасига мерос масаласи ҳам қўшилди.

Муҳожир мусулмон биродари ансорий мусулмоннинг меросини олиш ҳуқуқига, аксинча, ансорий ҳам муҳожир биродарининг меросини олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бир вақтда, қариндошлик асосида мерос олиш йўққа чиқди. Бу ҳолат маълум муддат давом этди.

Вақт ўтиши билан, Ислоҳ аста-секин мусулмон шахс, оила ва жамиятни шакллантира борди. Ушбу оятларда оила, насл-насаб масаласи муолажа қилинар экан, аввало, насл-насаб пок бўлиши, унга бегона унсурулар кирмаслиги зарур экани, ана шунда оила мустаҳкам туриши баён этилди.

Айнан насл-насаб хусусида, оилавий алоқаларни мустаҳкамлаш ишларида мерос масаласининг муҳим ўрни бор. Мерос масаласи қариндош-уруғлар, оила аъзолари орасида ўзаро масъулиятни ҳис этиш, ҳақ-ҳуқуқларга риоя қилиш ишларида муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мерос мўмин қариндош-уруғлар орасида бўлиши лозимлиги эълон қилинди. Албатта, кофир қариндош-уруғнинг меросда ҳеч қандай ҳаққи бўлмайди. Мўмин кишидан қолган меросга мўмин қариндошлари ҳақлидирлар.

Имом Имомуддин ибн Касийр ўз тафсирида, жумладан, ушбу оятга боғлиқ қуйидаги маълумотларни келтирадилар:

«Ибн Аббос ва бошқалар: «Муҳожир ансорийга меросхўр бўлар эди. Ота томон қариндошлари ҳам, она томон қариндошлари ҳам меросхўр бўлолмас эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни биродар қилиб қўйганлари учун шундай қилинар эди», – деганлар.

Ибн Абу Ҳотим ўз санади ила Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудан ривоят қиладики, у киши бундай деган эканлар:

«Аллоҳ азза ва жалла хусусан, биз қурайшликлар ва ансорийлар ҳақида **«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлидирлар»** оятини нозил қилган. Чунки биз қурайшликлар жамоаси Мадинага келганимизда ҳеч қандай мол-мулкимиз йўқ эди. Бас, ансорийларнинг жуда ҳам яхши биродар эканини кўрдик, улар билан биродарлардек мерос олишадиган бўлдик. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Хорижа ибн Зайд билан биродар бўлди. Умар розияллоҳу анҳу ҳам биттаси билан оға-ини тутинди. Усмон розияллоҳу анҳу Бану Зурайқ ибн Саъд Зарқий қабиласидан бир киши билан биродар тутинди. Мен Каъб ибн Молик билан биродар бўлдим. (Урушда бўлганимизда) олдига бориб, сув тутдим. Қурол унга, ўзининг айтишича, оғир

жароҳат етказганини кўрдим. Аллоҳга қасамки, эй болам, агар у ўша кунлари ўлганида, мендан бошқа ҳеч ким меросини олмас эди. Токи Аллоҳ таоло биз қурайшликлар жамоаси ва ансорийлар ҳақида айнан ушбу оятни нозил қилганидан кейингина ўз меросларимизга қайтдик».

Демак, мўмин-мусулмон қариндошдан бошқа ҳеч ким меросга ҳақдор бўла олмайди. Қариндошлардан кимлар мерос олади, ким қанча олади, бу хусусда алоҳида, бошқа оятларда баён этилган.

**«Фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустаснодир».**

Яъни ўлаётган одам дўстига яхшилик қилмоқчи бўлса, ўлиmidан олдин молидан маълум миқдорини унга бериш ҳақида васият қолдирса бўлади.

Ёки меросхўрлар «Фалончи бизга мерос қолдирган азизларимизнинг дўсти эди, унга ҳам меросдан берайлик», деб ҳаммалари рози бўлиб берсалар, ўзларининг иши.

**«Бу китобда сатрлар ила битилмиш».**

Яъни бу ҳукмлар Аллоҳнинг ҳузуридаги китобда азалдан ёзиб қўйилган эди.

Шу муносабат ила, китобда ёзиб қўйилган нарсалардан яна биттаси келаси оятларда баён қилинади...

«Тафсири Ҳилол»



## НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМГА САЛАВОТ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга салавот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Унга салавот айтиш ва салом йўлланг», деган («Аҳзоб» сураси, 56-оят).**

Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кадр-кимматлари Аллоҳ таолонинг ҳузурда қанчалар улуғ эканини яна бир бор кўрсатмоқда. Бошқа биров эмас, Аллоҳ таолонинг Ўзи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиши таъкидланмоқда. Араб тилида «салавот» сўзи «салот»нинг жами бўлиб, «дуо» маъносини англатади. Араб тилида намоз ҳам «салот» дейилади. Чунки намозда ҳам дуо маъноси бор. Аммо «салот» Аллоҳ таоло томонидан бўлганида «дуо» маъносини йўқотади. Аллоҳ таолонинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишининг маъноси у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориши, улуғлаши, мақомларини кўтариши ва фаришталар ҳузурда шаънларига мақтовлар айтишини англатади.

Фаришталарнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишлари у зоти бобаракот ҳақларига дуо қилишлари, истиффор айтишлари маъносида бўлади.

Мўмин-мусулмонларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишлари эса улар томонидан бўлган дуо ва улуғлаш маъносидадир.

Демак, Аллоҳ таоло доимо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан рози эканини билдириб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мақтовлар айтиб турар экан.

Фаришталар ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан раҳмат, саломатлик, розилик сўраб, дуо қилиб туришар экан.

Ояти каримада таъкидли хабардан кейин мўминларга:

**«Эй иймон келтирганлар! Унга салавот айтиш ва салом йўлланг»,** – деб амр қилинмоқда.

Бу амрга биноан, ҳар бир мўмин учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш ва салом юбориш фарз бўлиб қолади. Бу хусусдаги баҳсларда уламоларимиз «Умрда бир марта ёки ҳар бир мажлисда бир марта ёки у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари ҳар зикр

қилинганида бир марта салавот айтиш керак», – деганлар.

Амалда эса охириги – яъни ҳар исмлари зикр қилинганида салавот айтиш урф бўлган. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишни амр қилган экан, бу салавот қандай қилиб айтилади, деган савол пайдо бўлиши табиий. Жумладан, ушбу оят нозил бўлганидан кейин ҳудди шу савол саҳобаи киромларда пайдо бўлган.

Баъзи кишиларда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи салавот айтиб турса, Унинг фаришталари салавот айтиб турса, мўминларнинг салавотига нима ҳожат бор, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бу саволга жавоб шулки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминларнинг салавотига эҳтиёжлари йўқ. Балки мўминлар у зотга салавот айтишга муҳтождирлар. Улар ушбу салавотлари ила Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаб, савоб оладилар. Дуолари қабул бўлади. Муродларига етадилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Омир ибн Робиъанинг оталари қуйидагиларни айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким менга салавот айтса, фаришталар унга ҳам менга айтган салавотининг баробарида салавот айтиб турадилар. Банда салавотни хоҳласа, оз айтсин, хоҳласа, кўп», деганларини эшитдим».

Бошқа бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади», – деганлар.

Қуръон тиловати ва Аллоҳнинг зикридан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш энг савобли ишлардан ҳисобланади. Чунки бу нарса Аллоҳ таолонинг амридир. Шунинг учун ҳам намознинг ташаҳҳудида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилади. Имом Шофеъий: «Ташаҳҳудда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилмаса, намоз намоз бўлмайди», – деганлар.

Имом Насайй ва имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар ривоят қилган ҳадисда Абу Толҳа розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Бир куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларидан қувонч балқиган ҳолда келдилар. Биз:

– Юзингизда қувонч кўрмоқдамиз?! – дедик. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Чунки ҳузуримга фаришта келиб, «Эй Муҳаммад, албатта, Роббинг айтурки: «Ким сенга салавот айтса, албатта, Мен унга ўн марта салавот айтишим, ким сенга салом айтса, Мен унга ўн марта салом айтишим сени рози қилмайдими?» – деди», – деб хабар бердилар».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни менга энг яқин кишилар, албатта, менга кўп салавот айтганлардир», – деганлар.

Ушбу маънодаги ҳадиси шарифлар жуда ҳам кўпдир. Мусулмонлар ушбу оятга ва ҳадисларга асрлар давомида чин ихлос билан амал қилиб келмоқдалар. Намозларида ўз Пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтмоқдалар. У зоти бобаракотнинг номи шарифлари зикр этилиши билан салавот айтишга шошиладилар. Аҳли солиҳ кишиларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишдан иборат кундалик вазифалари ҳам бор.

Аксинча, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари зикр қилинганида, у зотга салавот айтимаса, бу мусулмонларнинг надоматга йўлиқишларига сабаб бўлади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари Имом Термизий ва имом Насайлар ривоят қилган ҳадисда:

«Кимнинг ҳузурини мен зикр қилинсам-у, у менга салавот айтмаса, ўша одам бахилдир», – деганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари зикр этилганида, у зот алайҳиссалату вассаломга салавот айтмаслик шу даражада ёмон иш экан.

4681. *Абу Ҳумайд ас-Собидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Баъзи одамлар:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга нечук салавот айтаммиз?» дедилар. Шунда у зот:**

**«Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи, кама соллайта ала оли Иброҳийм. Аллоҳумма барик ала Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи, кама барокта ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдуммажийд», деб айт», дедилар.**

*Учовлари ривоят қилишган.*

Салавотнинг маъноси: «Аллоҳим! Муҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди Оли Иброҳимни ёрлақганингдек, ёрлақгин. Муҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди Оли Иброҳимни баракотли қилганингдек баракотли қилгин. Албатта, Сен Ҳамидсан, Мажидсан».

4682. *Абдуллаҳмон ибн Абу Лайла розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Сенга бир совға берайми? Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқдилар. Биз у зотга «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга салом беришни-ку, биламмиз, аммо сизга салавот айтиш қандай бўлади?» дедик.**

**«Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама соллайта ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдуммажийд. Аллоҳумма барик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама барокта оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдум мажийд», деб айтишлар», дедилар», деди».**

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Салавотнинг маъноси: «Аллоҳим! Муҳаммадни ва Оли Муҳаммадни худди Оли Иброҳимни ёрлақганингдек ёрлақгин. Албатта, Сен Ҳамийдсан, Мажийдсан. Муҳаммадни ва Оли Муҳаммадни худди Оли Иброҳимни баракотли қилганингдек, баракотли қилгин. Албатта, Сен Ҳамийдсан, Мажийдсан».

4683. *Бухорийнинг «Яратилишининг бошланиши»даги ривоятида:*

**«Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама соллайта ала Иброҳийма ва ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдуммажийд. Аллоҳумма барик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама барокта ала Иброҳийма ва ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдум мажийд», дейилган.**

Шарҳ: Намозларда ўқиш учун айнан имом Бухорийнинг ривоятларида келган салавот олинган. Бошқа ҳадисларда ҳам бир оз фарқли сийғалар келган. Шундан кўришиб турибдики, бир хил сийғада салавот айтиш шарт эмас. Турли сийғада айтса ҳам бўлаверади. Энг муҳими, айтиш керак.

4684. *Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга салом беришни-ку, биламмиз, аммо сизга салавот айтиш қандай бўлади?» дедик.**

«Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин абдика ва расулика, кама соллайта ала Иброҳийма ва барик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама барокта ала Иброҳийма ва ала оли Иброҳийм», денглар», дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Салавотнинг маъноси: «Аллоҳим! Кулинг ва Расулинг Муҳаммадни худди Иброҳимни ёрлақанингдек, ёрлақин. Муҳаммадни ва Оли Муҳаммадни худди Иброҳимни ва Оли Иброҳимни баракотли қилганингдек, баракотли қилгин».

4685. *Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким бизга, аҳли байтга салавот айтганда унга тўлиқ ўлчов ила ўлчаб берилишидан масрур бўлса, «Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин набийи ва азвожиҳи уммуҳотил мўминийн ва зурриятиҳи ва аҳли байтиҳи. Кама соллайта ала оли Иброҳийма. Иннака ҳамийдум мажийд», десин», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насаийлар ривоят қилишган.*

Салавотнинг маъноси: «Аллоҳим! Набий Муҳаммадни, мўминларнинг оналарини – у зотнинг завжаларини, зурриётини ва аҳли байтини худди Оли Иброҳимни ёрлақанингдек, ёрлақин. Албатта, Сен Ҳамийдсан, Мажийдсан».

4686. *Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади», дедилар».**

*Муслим, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилишган.*

4687. *Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг ҳузурида мен зикр қилинсам-у, у менга салавот айтмаса, ўша одам бахилдир», дедилар».**

4688. *Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мен олдида зикр қилинганимда менга салавот айтмаган одамнинг бурни ерга ишқалсин.**

Унга Рамазон келиб кетсаю, мағфират қилинмай қолган одамнинг бурни ерга ишқалсин. Ота-онаси катта ёшдаги ҳолда топса ҳам, иккилари уни жаннатга киритмаган одамнинг бурни ерга ишқалсин», дедилар».

4689. *Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Кечанинг учдан иккиси кетганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб:**

**«Эй одамлар! Аллоҳни зикр қилинглар! Аллоҳни зикр қилинглар! Рожифа (биринчи пуфлаш) келди. Унинг ортидан родифа (иккинчи пуфлаш) келадир. Ўлим ўз нарсалари билан келди. Ўлим ўз нарсалари билан келди», дер эдилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен сизга салавотни кўп айтаман. салавотларимнинг қанчасини сизга атай?» дедим.**

**«Ўзинг истаганингчани», дедилар.**

**«Тўртдан бириними?» дедим.**

**«Ўзинг истаганингчани. Агар зиёда қилсанг, ўзингга яхши бўлади», дедилар.**

**«Ярминими?» дедим.**

**«Ўзинг истаганингчани. Агар зиёда қилсанг, ўзингга яхши бўлади», дедилар.**

**«Учдан иккисиними?» дедим.**

**«Ўзинг истаганингчани. Агар зиёда қилсанг, ўзингга яхши бўлади», дедилар.**

**«Салавотимнинг ҳаммасини сизга атайман», дедим.**

**«Ундай бўлса, ғамингдан қутулсан ва гуноҳларинг мағфират қилинади», дедилар».**

*Учовини Термизий ривоят қилган.*

4690. *Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қиёмат куни менга энг яқин кишилар менга кўп салавот айтганлардир», дедилар».**

*Термизий ва Ибн Ҳиббон саҳиҳ санад ила ривоят қилишган.*

Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга кўпроқ салавот айтишга ҳаракат қилайлик.

«Ҳадис ва Ҳаёт»дан.



## Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот ва салом айтиш

صلى الله عليه وسلم

ذكرى الإسراء والمعراج



Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот ва салом айтиш Аллоҳ таолонинг амри ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарғиблари бўлгани учун мусулмонлар бу ишга доимий равишда мислсиз эътибор билан ёндашганлар. Барча ҳадис ва тасаввуф китобларида бу мавзуга алоҳида боблар бағишланган. Бу мавзуга оид бутун бошли китоблар ҳам жуда кўп. Мазкур боб ва китобларда келган маълумотлардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қилишга ижозат бергайсиз.

### Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиладиган ҳол ва жойлар

1. Намознинг биринчи ташаҳҳудида.
2. Намознинг охириги ташаҳҳудида.
3. Жаноза намозининг иккинчи тақбиридан кейин.
4. Ийд, Жумъа намозлари хутбасида ва бошқа хутбаларда.
5. Муаззиннинг азонига жавоб бераётганда.
6. Иқомага жавоб берилаётганда.
7. Дуо пайтида.
8. Масжидга кираётганда ва чиқаётганда.
9. Сафо ва Марвада.
10. Одамлар тўпланганда ва тарқалганда.
11. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари зикр қилинганда.
12. Лаббайка тамомланганда.
13. Ҳажарул Асвадни истилом – қўл билан ушлаб
- ёки узоқдан ишора қилиб ўпганда.
14. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари ёнида.
15. Бозорга ёки бирор жойга чиққанда.
16. Кечасидаги уйқудан турганда.
17. Қуръони Каримни ҳатм қилгандан кейин.
18. Жумъа куни.
19. Мажлисдан турганда.
20. Масжидларни кўрганда ва уларнинг олдидан ўтганда.
21. Ғам-ғуссага ботганда.
22. Бошга мушкул иш тушганда.
23. Мағфират сўралганда.
24. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари ёзилганда.
25. Одамларга илм етказилганда.
26. Наҳорнинг аввали ва охирида.
27. Гуноҳдан кейин каффорот исталганда.
28. Фақирлик ва ҳожатмандликка тушганда ёки уларнинг хафви бўлганда.
29. Совчилик қилинганда.
30. Акса урганда.
31. Таҳорат қилиб бўлганда.
32. Манзилга кираётганда.
33. Аллоҳнинг зикрига жамланиладиган жойларда.
34. Унутган нарсасини эсламоқчи бўлганда.
35. Ҳожатмандлик ориз бўлганда.

36. Кулоқ шанғиллаганда.
37. Намозлардан кейин.
38. Сўйиш сўйганда.
39. Садақага моли йўқ одам саловат айтса, садақа бўлади.
40. Уйқудан олдин.
41. Аҳамиятли гапни бошлашдан олдин.
42. Ийд намози жараёнида.
43. Таяммум ва ғуслдан кейин.
44. Тонг отгандан ва кун ботгандан кейин.
45. Тонгги намозга турганда.
46. Таҳажжуд намозини ўқиб бўлганда.
47. Мактуб ёзганда ва бошқалар.

#### **Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга саловот айтишнинг фойда ва самаралари:**

1. Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунуш.
2. Аллоҳ таолонинг салавотига мувофиқ иш қилиш.
3. Фаришталарнинг салавотига мувофиқ иш қилиш.
4. Бир салавот учун Аллоҳ таолодан ўн салавот олиш.
5. Бир салавот учун ўн даража кўтарилиш.
6. Бир салавот учун ўн ҳасанот ёзилиши.
7. Бир салавот учун ўн гуноҳнинг ўчирилиши.
8. Дуонинг қабул бўлиши.
9. Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламнинг шафоатларига мушарраф бўлиш.
10. Гуноҳларнинг мағфират қилиниши.
11. Ғам-ғуссадан фориғ бўлиш.
12. Қиёмат куни Набий соллalloху алайҳи васалламга яқин бўлиш.
13. Салавот камбағал учун садақа ўрнига ўтиши.
14. Ҳожатларнинг раво бўлиши.
15. Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламга салавот айтган одамга Аллоҳ таоло ва Унинг малоикалари салавот айтадилар.
16. Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламга салавот айтувчи покланади.
17. Салавот айтиш бандага жаннат башоратини беради.
18. Қиёмат кунининг даҳшатларидан нажот беради.

19. Пайғамбар соллalloху алайҳи васаллам салавот айтувчига жавоб берадилар.
20. Бандага унутган нарсасини эслатади.
21. Мажлисни поклашга сабаб бўлади.
22. Салавот фақирликни кетказади.
23. Салавот бандадан бахиллик сифатини кетказади.
24. Салавот дуоибаддан қутулишга сабаб бўлади.
25. Салавот ўз эгасини жаннат йўлига элтади.
26. У ўз эгасини мажлис нохушлигидан сақлайди.
27. Ҳамду сано билан бошланган дуони тамомлайди.
28. Банданинг сиротдаги нурини тўлиқ қилади.
29. Банда у билан жафодан чиқади.
30. Салавот баракага сабаб бўлади.
31. У бандани Аллоҳ таолонинг раҳматига эриштиради.
32. Салавот Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг бардавомлиги сабабчисидир.

#### **Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга салавот айтишнинг ҳукмлари:**

Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламга умр давомида бир марта салавот айтиш фарздир.

Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга намознинг охириги ташаххудида салавот айтиш суннатдир.

Набий соллalloху алайҳи васалламга намоздан ташқарида барча вақтларда салавот айтиш мустаҳабдир.

Уламолар барча анбиёларга салавот айтиш жоизлигини таъкидлаганлар.

Пайғамбарлардан бошқалар ўзларига салавот айтишлари жоиз эмас.

Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламга салавот айтиб туриб, ортидан у зотнинг оли, асҳоблари ва атбўларига айтиш мумкин.

Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг энг мукамал ва батамом салавотлари бўлсин!

«Ҳадис ва Ҳаёт»дан

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЮКСАК АХЛОҚЛАРИ

Расули Акрам саййидимизнинг устун ахлоқлари ҳам фитратлари (яратилишлари) каби эди. Илк ваҳий келгандан сўнг Ҳиро (Нур) тоғидан ҳазрати Ҳадийжанинг ёнига қайтган пайтларида завжалари Ҳадийжа У кишига тасалли бериб:

«Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон Аллоҳ сизни уялтириб қўймайди, чунки Сиз ақраболарнинг ҳолидан хабар оласиз. Қарздорларнинг қарзини тўлайсиз, камбағалларга ёрдам берасиз, меҳмон кутасиз, тўғриларни қўллайсиз, мухтожларнинг оғирини енгил қиласиз..!» деб Пайғамбаримизнинг юксак ахлоқларини баён қилган эдилар.

Бошқа завжалари ҳазрати Оиша эса Расули Акрамнинг ҳол ва шонлари ҳақида сўрашганида: «Расулуллоҳнинг ахлоқлари Қуръон эди», дея жавоб берганлар.

Дарҳақиқат, Расули Акрамнинг ҳаётлари Қуръоннинг жонли бир кўриниши бўлган. У кишининг шахсларида Қуръоннинг бутун амрлари кўринар эди. Қуръон инсонларнинг руҳ ва баданига бутун қувватларни ёритувчи бир юксак ахлоқ мажалласи бўлгани каби, Расули Акрамнинг умрлари ҳам юксак ахлоқнинг амалий бир соҳаси эди, шу сабабли мусулмонларнинг икки иршод манбалари бўлиб, улар – бири Аллоҳнинг Китоби, иккинчиси эса комиллик намунаси бўлмиш Расулуллоҳнинг ҳаётларидир.

Ислом дини юксак ахлоқнинг тамали бўлгани каби, Расули Акрам ҳам: «Мен фақат гўзал ахлоқни мукаммаллаштирмақ учун юборилдим», дея марҳамат қилдилар.

Қуръони каримда эса: **«Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди»**, дея марҳамат қилингандир (*Аҳзоб сураси, 21-оят*).

Жаноби Ҳақ Пайғамбарини гўзал ахлоқли қилиб яратди. Расули Акрам дўстларига чексиз ҳурмат-эҳтиромли эдилар, самимий севгиларини



билдириш учун дўстлари даврасига ўтирарканлар, жой танламас, қаер бўш бўлса, ўша ерга дарҳол ўтириб олар, ҳеч ким томонга оёқларини узатмас эдилар. Шу қадар дона-дона гапирардиларки, эшитаётганлар У кишининг сўзларини ёдлай оларди, аммо ҳеч қачон сўзларига амирлик беаганини бермас, фойдасиз сўз сўзламас, ўзлари ҳақларида баландпарвоз гаплар ишлатмас эдилар. У зот виқорли ва мутавозеъ бўлганлар, қўпол эмасдилар, очиқ чехрали ва ширин сўзли бўлганлар, ҳеч кимга ёмон гап сўзламаганлар, ҳеч кимга қўпол муомала қилмаганлар. Бутун ҳаракатларида ва ишларида ўрталаликни танлаганлар. Бирор жойга бормоқчи бўлсалар, ўнг-сўлга бурилмасдан, тўғри йўлдан юрганлар. Юрганларида ёнларидагилар орқада қолиб кетар, ҳатто у кишига етиб олиш учун югуришга мажбур бўлишар эди.

Асхобнинг ёнига келсалар, ҳеч кимнинг ўзлари учун ўрнидан туришини истамасдилар. «Ажамлар каби, ўринларингдан турманглар!» дея ўзларининг Аллоҳнинг бир кули эканликларини, ҳаммага ўхшаб еб-ичишларини сўзларига илова этганлар.

Бир куни одамлардан бири муборак қўлларини ўпмоқчи бўлган, шунда Расули Акрам қўлларини тортиб олиб: «Бу ҳам ажамларнинг одатидир», дея марҳамат қилганлар.

Расули Акрам учраган ҳар кимга биринчи бўлиб салом берар, қўл олиш учун олдинроқ ҳаракат қилар эдилар. Қўл ила кўришиш чоғи дарҳол қўлларини тортмас, қулоқларига пичирлаганларнинг сўзини эшитиб бўлмасдан юзларини қайирмас эдилар, бир томонга бурилмоқчи бўлсалар, бутун вужудлари билан бурилардилар.

Расули Акрам муноқашани ёқтирмасдилар, керагидан ортиқча гапирмасдилар, фақат бутун халққа фойдали бўладиган масалалар билан машғул бўлардилар, бирор кимсани танкид ё ҳақорат қилмас, бошқаларнинг сирларини билиб олишга ҳаракат қилмас эдилар. Умрларида оғизларидан бир марта бўлса-да, ёмон сўз чиққан эмас. Гапирсалар, сўзнинг энг тотлисини, энг чиройлисини гапирганлар, У кишининг сўзларини бутун асхоб бошини эгиб, жон-қулоқлари билан тинглар эди.

Пайғамбаримиз ёлғондан, ёлғончилардан нафратланганлар. Гапираётган одамни диққат билан эшитар, ҳеч кимнинг гапини бўлмас эдилар. Ҳамма кулганида Расули Акрам фақатгина табассум қилганлар. Пайғамбаримизга қаттиқ, кўпол сўз айтилганида ҳам, бу сўзларни сабр билан қарши олар, ўзларини мақтаганларни эшитишни ёқтирмас эдилар.

Ҳазрати Пайғамбар ҳеч кимни койимаганлар, бирор мусулмоннинг номини тилга олиб лаънатламаганлар, аёлга, хизматчига, жорияга, қулга ёхуд ҳайвонга озор етказмаганлар, ҳеч бир кимсанинг шариатга мувофиқ илтимосини рад этмаганлар.

Саҳобалардан ҳазрати Анас қуйидагиларни эътироф этади: «Ўн йил Расули Акрамнинг хизматларида бўлдим, менга бир марта «Уф!» деганларини эшитмадим».

Расули акрам ўзларига ёмонлик қилганлардан интиқом олмаганлар. Маккалик мушриклардан интиқом олмоқ учун энг катта ва қулай фурсат Макка фатҳи куни эди, ҳолбуки, ўша куни Расули Акрам йиллар давомида У кишига ва барча мусулмонларга ҳар турли қийноқ-азобларни қўллашдан тап тортмаган барча маккаликларни афв этдилар.

Йўлда кетарканлар, эркак ёки аёлми, ёш болами – ким бўлмасин, ҳар учраган кимсага салом берардилар. Фақирларни севар, ҳар оқшом бир камбағални камтарона дастурхонларига олар, бошқа фақир-ночорларни асхобнинг уйларига мусофир қилиб таркатар эдилар.

Тулларга, етимларга, ожизларга меҳрлари зиёда эди. Йўлларда туриб, шикоятчиларнинг арзини тинглар, уларга тасалли берар эдилар. Айникса болаларни жуда яхши кўрганлар, учраган боланинг бошини силар, эркалатар эдилар.

Расули Акрам бир байрам куни завжалари ҳазрати Оишанинг ҳужрасида дам олар эдилар, ўша чоғда ташқарида қизлар ўйин-кулги қилиб, кўшиқ айтишаётган эди. Шу пайт у ерга келган ҳазрати Абу Бакр қизларга танбех бермоқчи бўлди. Шунда ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқудан уйғониб, Абу Бакрга: «Уларни ўз ҳолига қўй, ўйнасин! Бугун уларнинг байрамидир!» дея марҳамат қилдилар.

Пайғамбаримиз инжа руҳли бир инсон эдилар. Фалокатга учраганларга бефарқ қараб турмас, беморни кўришга борар, жанозаларга қатнашар эдилар. У кишини ҳатто бир қул таклиф этса ҳам, ижобат этардилар.

Пайғамбаримиз ўта ҳаёли бўлганлар. «Ҳаё иймоннинг бир бўлагидир!» дея марҳамат қилган Пайғамбаримиз ўзлари ҳам ниҳоятда уятчан эдилар.

Расули Акрам инсонларнинг энг жасури эдилар. Душманлардан ҳеч қачон кўрққан эмаслар. Ҳаётларига қарши суиқасд уюштирилаётган бир пайтда У зоти муборак кечаю-кундуз кўрқмасдан Макка кўчаларида кезиб юрдилар.

Расули Акрам қанчалик жасур бўлсалар, шунчалик марҳаматли ҳам эдилар. Марҳаматлари фақат инсонларгагина эмас, ҳайвонларга нисбатан ҳам зиёда эди. Кексаларни ҳам, болаларни ҳам бир хилда ҳурмат қилар эдилар.

«АЛВИДО, ДУНЁ, АССАЛОМ, ОХИРАТ!»  
китобидан олинди.  
Дилором тайёрлади.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ШАФОАТЛАРИ

*Абу Саъид розияллоҳу анҳу ривоят қилади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман ва, фахрланиш эмас-ку, қўлимда ҳамд байроғи бўладир. Ҳеч бир набий йўкки, Одамми, ундан бошқасими, ҳаммаси ўша куни менинг байроғим остида бўлмаса. Фахр эмас-ку, мен устидан қабр биринчи ёриладиган шахсдирман.

Одамлар уч марта чўчиб тушадилар. Улар Одам алайҳиссаломнинг олдига келиб: «Сен отамизсан, Роббинг ҳузурда бизни шафоат қил», дейдилар. «Мен бир гуноҳ қилиб қўйиб, ўшанинг сабабидан ерга туширилганман. Аммо сизлар Нуҳнинг олдига боринглар», дейди. Бас, улар Нуҳ алайҳиссаломнинг олдига борадилар. У бўлса: «Мен ер аҳлига бир дуои бад қилганман. Улар ўшанинг сабабидан ҳалок бўлганлар. Аммо сизлар Иброҳимнинг олдига боринглар», дейди. Бас, улар Иброҳим алайҳиссаломнинг олдига борадилар. У бўлса: «Мен уч марта ёлғон гапирганман», дейди».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Иброҳим уч нарса билан Исломда тортишган. Биринчиси – ушбу оятда келганидек: **«Бас, у юлдузларга бир назар солди. Ва: «Албатта, мен беморман», деди»** (Соффаат сураси, 88-89-оятлар). Ваҳоланки, у пайтда соғ эди. Иккинчиси – (Иброҳим): «У: «Йўк, буни манави, уларнинг каттаси қилди...» деди» (Анбиё сураси, 63-оят). Учинчиси – аёлларини синглим, деб айтган эдилар...»

Иброҳим алайҳиссалом давом этдилар:

«Бугун ўзим билан ўзим овораман, сизлар Мусога боринглар, Аллоҳ у билан фариштасиз бевосита сўзлашган эди», дейдилар. Одамлар Мусо алайҳиссаломга келиб, юқоридаги илтимосни қилганларида, у киши: «Мен бунга қодир эмасман, чунки мен бир одамни ноҳақ ўлдириб қўйганман, бугун ўзим билан ўзим овораман. Сизлар Ийсога боринглар», дейдилар. Одамлар Ийсо алайҳиссаломга келганларида, у киши: «Мен ҳам қодир эмасман, инсонлар Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олишган. Бугун мени ўзимдан бошқа нарса қизиқтирмайди», дейдилар. Кейин яна айтадиларки: «Агар бирорталарингизда бирор нарса бўлса-ю, уни халтага солиб, устини ўраб қўйса, ўралган нарсани очмасдан туриб, идишдаги

нарсани олиб бўладими?» Шунда одамлар: «Йўк», дейишади. «Ундай бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пайғамбарлар яқунланган. У бугун сизларга вафо қилади. Аллоҳ унинг аввалги ва кейинги гуноҳларини кечирган», дейдилар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: «Ўша куни инсонлар менинг олдимга келишади ва мен айтаман: «Ҳа, Аллоҳ кимни хоҳласа ва кимга рози бўлса, мен уни шафоат қилгайман». Кейин Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаганча туриб қолади ва ҳукм чиқармоқчи бўлганида бир нидо қилувчи: «Муҳаммад ва унинг уммати қани?» деб нидо қилади. Бизлар (мен ва умматим) биринчи ва охиргилармиз, (яъни дунёда охиргилар ва киёмат куни ҳисоб қилинишда биринчимиз), кейин мен ва умматим тураимиз. Бошқа умматлар бизга йўл очиб беришади ва инсонлар орасидан таҳорат излари баданимизда от оёғидаги халқадек кўриниб турган ҳолатда ўтаимиз. Инсонлар бизга қараб: «Бу умматнинг ҳаммаси пайғамбар бўлишига яқин қолган экан», дейдилар. Сўнгра жаннат эшигига бориб, очишларини сўрайман. «Кимсиз?» деб айтилади, мен: «Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммадман», деганимдан кейин эшик очилади. Кириб, Раббимга сажда қиламан ва шундай ҳамду саноларни айтаманки, уларни ҳеч ким мендан олдин айтмаган, мендан кейин ҳам ҳеч ким айтмайди. Кейин менга айтиладики: «Бошингни кўтар, сўзла, сўзингга кулоқ солингай, сўра, сўраганинг берилгай, шафоат қил, қабул қилингай!» Бошимни кўтариб, ҳар бир қалбида буғдой ёки зарра мисқолча иймони бўлган, яъни «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-Расулulloҳ» калимасига ишончи бўлган кишиларни шафоат қиламан».

*Дилором тайёрлади.*

## Мавлуд ўқиётганда...

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Ҳозир мавлуд ойи, мавлуд ўқиётган пайтда баъзи жойларига келганда имом домламиз «Ўрнимиздан туриб, салавот айтамыз», дейдилар. Ҳамма туриб, салавот айтади. Бунинг сабабини бир кишидан сўрасак, «Бу амални қилиш керак, бўлмаса гуноҳкор бўласизлар», деди. Лекин сабабини айтиб бера олмади. Шу сабабли сизга мурожаат қиляпмиз. Худо хоҳласа, батафсил ечиб берасиз, деган умиддамиз.

**ЖАВОБ:** Мавлудда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари ҳақидаги жумлалар ўқиладиганда ўрндан туришни «маҳалли қиём» дейилади.

Маҳалли қиём ҳақидаги ва унда ўқиладиган матн ҳақидаги ихтилофлар кўпчиликнинг афсусига сабаб бўлган. Мавлуд яхши ният билан бошланган иш бўлганидан кейин унда бу каби ноқулай ҳолатларнинг юзага келиши тамоман мақсадга номувофиқ ишдир.

Маҳали қиёмда, яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари ҳақидаги хабар ўқиладиганда мавлуд иштирокчиларининг ўринларидан туришлари у даражада тортишадиган масала эмас. Туришни истаганлар турсин, истамаганлар турмасин, аммо энг муҳими, ихтилоф чикмасин, бир-бирлари билан жанжал қилишмасин. Нима қилиб бўлса ҳам, бу масалада мусулмонлар орасида ихтилоф чиқишининг олдини олиш лозим. Мандуб (яхши) бидъат нарсани қиламан деб, ҳаром ишга қўл урмаслик керак. Энг муҳими – мавлуд маросимига келганлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларида керакли маълумотларни олсинлар, ўзларида лозим бўлган маърифат ҳосил қилсинлар. Бидъат-хурофотларга мутлақо йўл қўйилмасин! Барча яхшиликлар тарғиб қилинсин!

## Умму Сулайм

**САВОЛ:** Шайх ҳазратлари, АнасибнМоликнинг онаси Умму Сулаймни Набий алайҳиссаломга қариндошчилиги борми? Умму Сулайм Набий алайҳиссаломга маҳрамми? «Ҳадис ва ҳаёт»нинг 19-жузида Умму Сулайм Набий алайҳиссаломнинг терларини сидириб олганликлари тўғрисида ҳадис ўқиб колдим.

**ЖАВОБ:** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Умму Сулайм розияллоҳу анҳога қариндошликлари Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг Бану Нажжорлик бўлганлари сабабдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари ўша уруғдан бўлганлар. Бу маънода олинадиган бўлса, Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хола ўрнида бўладилар.

Иккинчидан, Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг акалари урушда вафот этган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу эътибордан ҳам Умму Сулайм розияллоҳу анҳони ўзларига яқин олар эдилар.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг ушбу ҳадисда зикр этилган акасининг исми Ҳаром ибн Милҳон бўлиб, у киши Бадр ва Уҳудда иштирок этган, ҳижрий тўртинчи санада Беъри Маъунада вафот этган эди.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида алоҳида ишончга сазовор бўлганлари учун у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ўзларига хос баъзи ишларда махсус топшириқлар ҳам бериб турар эдилар.

## Пайғамбаримиз алайҳис-саломнинг набиралари

**САВОЛ:** Ассалому алайкум Шайх Ҳазратлари. Бир ҳадисда ўқидимки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Зайнаб исмли қизларидан Умома исмли набиралари бўлган экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг имом Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумолардан ташқари яна нечта набиралари бўлган ва улардан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари тарқанми?

**ЖАВОБ:** Мазкур уч шахсдан бошқа набиралари ҳам бўлган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари ҳозирда жуда ҳам кўпдирлар.

## Саълаба ибн Хотибни розияллоху анху дейиш керакми?

**САВОЛ:** Шайх Ҳазратлари, бир савол билан қимматли вақтингизни олмоқчи эдик: «Тафсири Ҳилол» китобида (2-жуз, Тавба сураси, 78-оят, 588-599-бетлар) Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даврида яшаган Саълаба ибн Хотибдан Расулуллоҳ алайҳиссалом закот қабул қилмаганлари маълум. Энди Саълаба ибн Хотиб исми айтилганда «розияллоху анху», дейиладими?

**ЖАВОБ:** Бу масалада уламолар бирор гап айтмаганлар.

## Ўзбекистондаги қабрлар масаласи?

**САВОЛ:** Ўзбекистонда нечта саҳобанинг қабрлари бор? Андижон вилояти атрофида ҳам бирорта саҳобанинг қабри борми?

**ЖАВОБ:** Фақат Самарқандда Қусам ибн Аббос розияллоху анхунинг қабрлари бор. Ўзбекистонда бошқа саҳобаларнинг қабрлари йўқ.

*«Зикр аҳлидан сўранг»  
веб-саҳифасидан олинди.*



## Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг болаларга муносабатлари

*Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллalloҳу алайҳи васалламни кўрдим, қарасам, Ҳасан розияллоҳу анҳуни елкаларига кўтариб олиб:

«Аллоҳим! Мен буни яхши кўраман, Сен ҳам яхши кўргин», демоқдалар.

Шарҳ: Ҳақиқатан ҳам, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам жуда болажон зот эдилар. Барча болаларни яхши кўрар ва эркалар эдилар. Ўз набиралари имом Ҳасанни ҳам жуда яхши кўрар эдилар. Ушбу ривоятда у зот алайҳиссаломнинг имом Ҳасанни елкаларида кўтарганлари ҳақида сўз бормоқда. Демак, болани елкага кўтариш мумкин экан, шу билан бирга, Аллоҳ таолодан ўз набиралари имом Ҳасанга муҳаббатини сўраб дуо ҳам қилмоқдалар.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг болажон зот бўлганлари.
2. Болани елкада кўтариш мумкинлиги.
3. Боласини яхши кўришини бошқалар олдида айтиш мумкинлиги.
4. Боласига Аллоҳ таолонинг муҳаббатини сўраб дуо қилиш мумкинлиги.
5. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳунинг мақомлари улуғлиги.
6. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳуга муҳаббат қилиш Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг дуоларига доҳил бўлиш экани.

### КИЧИК БОЛАЛАРНИ ЎПИШ

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Бир аъробий Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб:

«Сизлар ёш болаларингизни ўпасизларми? Биз ўпмаймиз», деди.

Шунда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ қалбингдан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима ҳам қила олар эдим», дедилар».

Шарҳ: Демак, жажжи болаларни ўпиш кишининг қалбида раҳмат борлигининг аломати экан. Аксинча, ёш болаларни ўпмаслик қалбда раҳматнинг йўқлиги аломати экан.

Бола боқиш иши машаққатли экани ҳамда бола доимо меҳрга ва раҳм-шафқатга муҳтож бўлгани учун ҳам Ислолда болага раҳмли бўлиш катта савобли иш даражасига кўтарилган. Ҳар бир ота-она бу улкан ҳақиқатни зинҳор унутмаслиги даркор.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Ёш болаларни ўпиш фазилат экани.
2. Ёш болаларни ўпиш раҳмдиллик белгиси экани.
3. Баъзи одамларнинг қалбидан Аллоҳ таоло раҳматни суғуриб олиши.
4. Болаларни ўпмаслик яхши эмаслиги.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Ул зотнинг хузурларида Акраъ ибн Ҳобис Тамиймий ўтирган эди. Бас, Акраъ:

«Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ҳам ўпганим йўқ», деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга назар солдилар ва:

«Ким раҳм қилмаса, унга раҳм қилинмайди», дедилар».

Шарҳ: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтган бу гапларнинг маъноси «Ким бандага раҳм қилмаса, унга ҳам Аллоҳ таоло раҳм қилмайди», деганидир.

Бандаларга раҳм қилишнинг энг олий намунаси ёш болаларга раҳм қилишдир, чунки улар раҳм-шафқатга энг муҳтож тоифадирлар. Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз боласига меҳрибон бўлиши, уларга раҳм-шафқатли бўлиши зарур.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам кичик болаларни ўпганлари.
2. Ўша пайтда ўнта боласидан бирортасини ҳам ўпмаган шахс бўлгани.
3. Боласига раҳм кўрсатган ота-оналарга Аллоҳ таоло ҳам раҳм қилиши.
4. Боласига раҳмли бўлиш ота-онанинг вазифаси экани.



## ЁШ БОЛАНИ ҚУЧОҚЛАШ

*Яъло ибн Мурра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши айтдиларки:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан йўлга чиқдик. Таомга чақирилган эдик. Қарасак, Хусайн кўчада ўйнаб юрибди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тезда одамлардан олдинга чиқиб, болага қараб қўлларини чўзиб, шошиб юриб қолдилар.

Бола ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа қочди. Кулишди. Охири Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ушлаб, кўтариб олдилар. Бир қўлларини жағига, бир қўлларини бошига қўйиб, силадилар, сўнг қучоқладилар. Сўнгра: Хусайн мендандир, мен Хусайндандирман. Ким Хусайнга муҳаббат қилса, Аллоҳ таоло унга муҳаббат қилади. Хусайн – набиралардан биридир», дедилар».

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ниҳоятда болажон, кичкиналарни яхши кўрадиган зот бўлганлари, набираларини қандай эркалашлари, қучоқлашлари, яхши кўришлари кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди.

Шу билан бирга, имом Хусайн розияллоҳу анҳунинг фазилатлари қанчалик улуғ бўлганини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у киши ҳақларида буюк бир башоратни айтганларини, у кишини яхши кўрган одамини Аллоҳ таоло яхши кўриши ҳақ эканини билиб оламиз.

Демак, ушбу ҳадисга амал қилиб, кичкиналаримизни эркалатиб, ўйнатиб, қучоқлаб, ўпиб, хурсанд қилиб, айни пайтда имом Хусайн розияллоҳу анҳуга бўлган муҳаббатимизни ўз фарзандларимизга ҳам сингдириб боришимиз керак экан.

## ЭРКАК КИШИ КИЧКИНА ҚИЗЧАНИ ЎПСА БЎЛАДИМИ?

*Маҳрама ибн Букайрдан, у киши отасидан ривоят қилинади:*

«У киши Абдуллоҳ ибн Жаъфар Умар ибн Абу Саламанинг икки ёшли ёки шунга яқин қизчаси Зайнабни ўпганини кўрган».

**Шарҳ:** Демак, кичкина қизчаларни эркалатиб, кўтариб, ўпиб, яхши кўриш, хурсанд қилиш, кўнглини кўтариш мумкин экан.

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

«Биронта аёлнинг ҳатто сочига ҳам назар солишдан эҳтиёт бўла олсанг, шуни қил. Илло, ўз аҳлинг ёки кичкина қизча бўлса, майли».

**Шарҳ:** Демак, ўз аҳлидан бўлган аёлга ёки кичкина қизчага қараса бўлади, бироқ бегона аёлнинг сочига ҳам қараш мумкин эмас.

## ЁШ БОЛАНИНГ БОШИНИ СИЛАШ

*Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Саломдан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга Юсуф деб исм қўйганлар, сўнг қучоқларига олиб, бошимни силаганлар».

**Шарҳ:** Саҳобалар фарзанд кўришса, чақалоқни кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб келишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўдакни қучоқларига олиб, чиройли исм қўйиб, эркалаб, бошини силаб, танглайини кўтариб қўяр эдилар.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу ҳам ўғил кўрганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Юсуф деб исм қўйганлар, қучоқлаб олиб ўтирганлар, бошини силаганлар. Бошқа жойларда танглайини кўтарганлари ҳақидаги ривоятлар ҳам келган.

*Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кўғирчоқ ўйнар эдим. Дугоналарим мен билан бирга ўйнашарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирсалар, улар бекиниб олишарди. Ул зот уларни мен томон юборардилар. Бас, улар мен билан ўйнашар эди».

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан уламоларимиз қизларнинг кўғирчоқ ўйнаши жоизлиги ҳақидаги ҳукми олганлар, шу билан бирга, кичкина қизларни катта ёшдаги кишилар кўрса, улар билан гаплашса ва бирор нарсага далолат қилса жоизлиги ҳам билинади.

«Одоблар хазинаси»дан.

## Омина

(Аллоҳ ул кишидан рози бўлсин)

Омина – Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналаридир. У киши Ваҳб ибн Абдуманнофнинг қизи, Бану Зухранинг уруғи Қурайш қабиласидан эдилар. Мадинада туғилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари билан оналарининг насаблари бир жойга бориб тақалади. Омина онамизнинг боболари Навфал, Абдулуззо, Зухра, Ҳаким бўлган. Ҳаким Зухра ва Қусайнинг отаси эканини ҳисобга олсак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари ва оналарининг аждодлари Ҳакимда келиб бирлашганини биламиз. Оталари Ваҳб қабилadoшларининг оқсоқоли бўлиб, қизларига яхши тарбия бердилар. У киши ўша даврда Қурайшнинг кўзга кўринган гўзал, ҳамма жиҳатдан устун бўлган қизи эдилар, хаттоки қурайшлик қизлар орасида ҳам насаб жиҳатидан, ҳам одоб жиҳатидан ҳаммадан кўра яхшироқ эдилар.

Ўн тўрт ёшларида Қурайш қабиласининг энг олди йигитлари бўлмиш Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибга турмушга чиқдилар. Улар жуда бахтли ҳаёт кечиришарди, аммо бу бахт узоққа чўзилмади. Тўйдан кўп ўтмай, Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб Ясрибга жўнаб кетди ва кўп ўтмай, ўша ерда 25 ёшида вафот этди. (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин). Албатта, Омина онамиз бундан қайғуга ботдилар, бироқ ҳомиладор эканликлари уларга тасалли берди. Бу ҳали туғилмаган етим бола икки дунё сарвари Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эдилар. Омина онамизнинг ҳомилалари оддий ҳомила эмасди, улар ўзларида ҳомиладор аёлларда бўладиган қийинчиликларни сезмадилар. Тушларида ғойибдан келган овоз умматнинг улуғига ҳомиладор бўлганликларини ва унга Аҳмад деб исм қўйиш кераклигини таъкидларди.

Ниҳоят, Омина онамизнинг кўзлари ёрийдиган вақт келди. Тўлғоқ ҳам оддий тўлғоқ эмасди. Омина онамизнинг ҳомилалари одатдаги ҳолатлардан ўзгача бир ҳолатда дунёга келди. Бу ҳомила гўё бир нур эди. Гўдак худди сажда қилаётгандек ҳолатда ерга тушди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен бобом Иброҳимнинг дуосиман, Ийсо ибн Марямнинг башоратиман ва онамнинг тушиман», деганлар. «Омина онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишларини тушларида кўрган эдилар. Бунда у кишининг икки оёқлари орасидан бир нур чиқади, унинг ёруғлигидан Шом ўлкасидаги қасрлар ёришиб кетади».

Туғруқ вақтида на оғриқ, на бир нохушлик сезмадилар. Айрим манбаларда келишича, туғруқ вақтида Омина онамизга Осиё ва Марям оналаримиз ҳамда фаришталар доялик қилишган. Бу оламшумул воқеа милодий 571 йил 20 апрель, ҳижрий рабиъул аввал ойининг 12-куни, душанбага тўғри келди. Пайғамбаримизнинг туғилишлари Омина онамизни жуда хурсанд қилди, у киши гўдакни бағирларига босиб, барча қайғуларини унутишга ҳаракат қилдилар.

Омина онамиз бошқа турмуш қурмадилар. Йигирма ёшларида турмуш ўртоқлари Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибнинг қабрини зиёрат қилиб, Мадинадан Маккага келаётганларида Абваъ деган жойга етганларида вафот этдилар ва шу ерга дафн этилдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам оналари вафот этганида олти ёшда эдилар. Омина онамиз умрларининг сўнгги дамларида фарзандларини бағирларига босиб, шундай дедилар: «Ҳар бир тирик жон ўлади, ҳар бир янги нарса эскиради, барча нарсалар ўткинчидир, мен ҳам бир кун ўтаман, бироқ мен дунёга келтирган соф ва пок фарзанд ҳеч қачон ўлмайди...»

Омина онамиз Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни дунёга келтириб, Ислom тарихида эътиборга лойиқ ўрин эгалладилар. Улар ҳеч бир аёлга насиб этмаган шундай мансабга эга бўлдиларки, айнан улар охирги замон пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга она бўлиш бахтига муяссар бўлдилар.

Аллоҳ таоло ҳар бир онани Ўз паноҳида асрасин!

*Дилором тайёрлади*

## Мавлудун Набийми ёки меҳмондорчилик?..

Мана, Аллоҳ насиб этиб, муборак рабиъул аввал ойига ҳам етиб келдик. Ушбу ой ҳар бир мўмин-муслмон учун ниҳоятда қувончли, ниҳоятда аҳамиятли, баракотли ой ҳисобланади, чунки бу ойда севикли Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топганлар. Ушбу ой кириши билан халқ орасида мавлуд маросимлари бошланиб кетади. Бугунги кунда аёллар ичида, айниқса ёши катта аёллар орасида мавлуд ўқиш маросимлари ўтказиш урфга айланди. Мазкур ойда эса яна ҳам авжига чиқади. Албатта, бу яхши одат...

Биз ушбу мақолани ёзиш давомида кўпгина аёллардан мавлуд маросими қандай ўтказилиши ҳақида сўрадик. Шу нарса маълум бўлдики, одатда бундай маросимларда отин ойи томонидан «Мавлудун Набий»нинг арабча ёки ўзбекча матни ўқилади. Қолганлар фақат салават айтиладиган жойида қўшилиб, охирида дуои-фотиҳа қилинади, сўнгра турли-туман таомлар улашилади.

Шу билан маросим ниҳоясига етади. Шундай бир улуғ маросим оддий бир меҳмондорчилик тарзида ўтказилаётгани инсоннинг кўнглини ғаш қилади. Бундан кўриниб турибдики, халқ орасида бу маросим аслида қачон пайдо бўлгани, ундан нима мақсад кўзлангани, ундан қандай маънавий фойдалар олиш кераклиги ҳақидаги билим етарли даражада эмас.

Шуни инобатга олган ҳолда, мавлуд ўқиш маросимининг тарихи ҳақида бироз маълумот беришни лозим топдик.

Аллоҳ таоло биз бандаларга Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнатилган олишни ва у зотга итоат қилишни амр этган. Қуръони Каримда бу ҳақдаги оятлар жуда кўп. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматиданман, деган ҳар бир киши учун набийларнинг хотами Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини, насабларини, сифатларини, сийратларини, суннатларини яхши ва пухта ўрганиш вожиб, чунки У зотни танимамай туриб, у зотга қандай итоат қилинади, у зоти бобаракотдан қандай ўрнатилган олинади!?



Бу маънода мусулмонларнинг биринчи авлоди саҳобаи-киромлар ҳаммага ўрнатилган бўлишган. Улар Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир қилган амалларини синчковлик билан ўрганиб, уни ҳаётларига татбиқ қилганлар ва уларни бошқаларга ҳам айтиб юрганлар. Шундай қилиб, табаъ тобеъинлар даврининг охирига келиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломнинг сифатлари, насаблари, ҳаётлари ҳақида маълумот берувчи «Ас-Сийра ан-Набавия» деган китоблар пайдо бўлган. Бу китоблар тўрт, беш, олти жилдлардан иборат бўлган. Кейинчалик давр ўтиши билан мусулмонлар кўпайиб, араб бўлмаган халқлар Исломига кира бошлади, шу билан бирга, инсонларнинг ҳаёти мураккаблашди. Кўпчилик бола-чақа боқиш, рўзғор тебратиш учун меҳнат қилиш билан банд бўлиб қолди. Одамлар юқоридаги каби беш, олти жилдли китобларни ўқишга муяссар бўлмай қолдилар ва бора-бора кишилар ўз Пайғамбарини соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги маълумотлардан йироқлашиб борди. Албатта, бу ачинарли ҳолат. Бу нарса ўша пайтдаги кўпгина уламоларни, ҳукамолару ҳокимларни ташвишга солди, баъзилари бунга чора ҳам изладилар. Кейинги асрларга келиб, Ироқда амирлик қилган Торғилбек исмли амирнинг таклифига биноан ўша давр уламоларининг раҳбари бўлган Абу Шома раҳматуллоҳи алайҳи бир таклиф билан чиқдилар. У киши «Ас-Сийра ан-Набавия» китобларидаги маълумотларнинг мағизини олиб, кичикроқ бир шеърини услубда ёзишни таклиф қилди. Бундан мақсад эса оз фурсатда халқ оммасини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, насаблари, сифатлари, ахлоқлари билан таништириш эди. Худди ана шундай асар дунёга ҳам келди ва у «Мавлудун Набий» деб ном олди. Ироқ халқи уни жуда яхши кутиб олди, кейинчалик бу амал бутун Исломи оламига тарқалди.

Бизнинг ўлкамизда ўқиладиган «Мавлудун Набий» шомлик имом Жаъфар ал-Барзанжийга тегишли шеърини асардир. Асарнинг бошида муаллиф ўзининг «Мавлудун Набий» номли шеърини асари ҳақида, ёзиш услуби хусусида баён қилади. Шундан сўнг Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломнинг насаблари, ота-оналари, туғилишлари, сифатлари, одоб-ахлоқлари ва шунга ўхшаш нарсалар тартиб билан келади. Мисол учун, унда Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқ кийимларига ўзлари ямоқ солганлари, кийимлари йиртилиб қолса, ўзлари тикиб олишлари, мутавозеъ эканликлари баён қилинади.

Хуллас, мавлуд ўқишдан уламолар кўзлаган мақсад Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларини оммавий тарзда таништириш бўлган. Ҳозирги кунимиздаги мавлуд маросимлари бу маънодан йироқдир. Куръон тиловати маъноси тушунилмаса ҳам, ибодат ўрнига ўтаверади, лекин «Мавлудун Набий» ўқилганда, унинг маъносига яхшилаб эътибор берилиб, тушунишга ҳаракат қилинса, жуда кўп маънавий фойдалар олиш мумкин. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг битта суннатларини тирилтирган одамга қанчалик улуғ савоб борлиги ҳақида ҳадисларида айтиб кетганлар. Ҳар бир ўқиган мавлудимизда биттадан суннатни ўргансак, ниҳоятда улуғ иш бўларди. Зеро, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган, суннатларига амал қилган ҳар бир мўмин-мусулмон икки дунё яхшиликларига муяссар бўлиши шубҳасиз, иншааллоҳ.

Азиз опа-сингиллар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо хутбаларининг охирида «Эшитганларингизни бошқаларга ҳам айтиб беринг, балки у сиздан кўра кўпроқ амал қилар», дер эканлар. Бизнинг ҳам сўзимиз шундай: Интернет саҳифаларимизга катта ёшлиларимиз кўп ҳам кира олмаслигини инобатга олиб, сиз азиз опа-сингилларимиздан бувижонларимизга, амма-холаларимизга, қўни-қўшнию опа-сингилларимизга мазкур битикларни етказишингиздан умидвормиз. Аллоҳим барчаларимизга ўрганганларимиз ва эшитганларимизга амал қилишни насиб этсин. Ушбу муборак ойда Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кўплаб салавоатлар айтишни, чиройли мавлудларни ўқиб, суннатларига амал қилган ҳолда ҳаёт кечирини насиб этсин. Омин!

*Ирода тайёрлади.*

# СУННАТ ТАРИХИ

Суннат Қуръони карим билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Суннат тарихи ҳам Қуръони карим ва Ислом тарихи билан бирдир. Биз эса Суннатни илм сифатида шаклланиш тарихидан бошлаб ўрганамиз.

Аллоҳ таъоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони каримнинг биринчи оятларини нозил қилиб, у зотни охирги Пайғамбар деб эълон қилди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларига иймон келтирмаган одам мўмин бўла олмаслиги узил-кесил ошкор бўлди. Мўминларнинг у зотга эргашишлари ва иқтидо қилишлари лозиму лобуд бўлди.

Юқорида зикр қилинганидек, бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло Қуръони каримда қайта-қайта таъкидлади. Исломнинг биринчи кунидан бошлаб, мўмин-мусулмонлар каттаю-кичик ҳар бир нарсани ўз пайғамбарларидан ўргана бошладилар, улар У зотдан илоҳий дастур бўлган Қуръони карим оятларидан тортиб, то оддий таҳорат олишгача бўлган ҳамма нарсаларни аста-секин қабул қилиб олар эдилар, шунинг учун ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳаётларининг бирор лаҳзаси ҳам саҳобаи-киромларнинг диққат-эътиборларидан четда қолмас эди, чунки У зотнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз, ўзларида содир бўлган ҳар бир ҳаракат шариат ҳукми, ўрнатма, шахсий мисол, ҳикмат, насиҳат ва кўрсатма сифатида қабул қилинар эди. Инсоният тарихида ҳаёти бунчалик тўқис, очиқчасига, оммавий равишда ва кўпчилик томонидан ўрганилган яқкаю ягона шахс – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зоти бобаракотнинг ҳатто ўта нозик ва ҳос ҳаётлари ҳам бутун икир-чикирлари билан тўлалигича ўрганилиб, ривоят қилингандир.

Ислом дини мукамал дин бўлгани ҳамда инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олгани сабабли, буларнинг ҳаммасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ўрнатмалари бўлишини тақозо этади. Бошқача айтганда, у зот Қуръонни ўз ҳаётларига тадбиқ этиб, одамларга кўрсатишлари керак эди, амалда шундай бўлди ҳам. Шу сабабли ҳам саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан узлуксиз бирга юришар ва у зотдан содир бўлган ҳар бир нарсани ўта аниқлик билан

ёдлаб олишар ва ривоят қилишарди. Ҳатто зарур иш ёки юмушлари чиқиб қолган кезларда бошқа кишиларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида қолдириб, У зотдан содир бўлган нарсаларни яхшилаб ўзлаштириб олишни илтимос қилар эдилар. Қайтиб келганларида эса, дарҳол ўзлари йўқ пайтда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган гап, иш, амални тайинлаб кетган одамлардан сўраб-билиб олар эдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўз кўшнилари билан келишиб, навбат ила Пайғамбаримиз ҳузурларида турганликлари у кишининг ўзидан ривоят қилинган.

Шу тариқа Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган заррача ҳодиса ҳам саҳобаларнинг эътиборидан четда қолмаган, буни душманлар ҳам тан олганлар. Худайбия ҳодисасида мушриклардан вакил бўлиб Пайғамбаримиз ҳузурларига келганлардан биттаси ўз кавмига қайтиб бориб: «Аллоҳга қасамки, ҳеч кимни биров Муҳаммаднинг шериклари ҳурмат қилгандек ҳурмат қилмайди. У туфласа, туфуги ерга тушмаяпти. Саҳобалари қўллари билан илиб олмоқдалар», деган. У зот муборак сочларини олдириганларида, саҳобалар бирор толани ҳам ерга туширмай, бўлишиб олганлар, ҳаттоки бир тола сочи ерда қолмаган зотнинг гап-сўзлари, ваъз-насиҳатлари, ҳукму-васиятлари ерда қолармиди?! Уларнинг ҳаммаси катта эътибор ва аниқлик билан қабул қилиб олинган ва омонат ила келажак авлодларга етказилган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган нарсаларни ҳойи-ҳавас, гап-сўз учун қабул қилмаганлар, улар энг аввало бу нарсаларга амал қилишни кўзлаганлар. Қолаверса, бошқаларга етказиб, уларни ҳам амалга чорлашни мақсад қилганлар, бунга биргина мисол келтирамиз.

Қози Иёз ва Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳилар Абу Саъд Худрий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобалари билан намоз ўқиб туриб, кавушларини ечиб, чап тарафларига қўйдилар. Буни кўриб, одамлар ҳам кавушларини ечдилар. Намозни ўқиб бўлиб, у зот:

«Нима учун кавушларингизни ечдингиз?» дедилар. Улар:

«Сиз кавушингизни ечганингизни кўриб», дейишди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Менга Жаброил уларда нопоклик борлигининг хабарини берди», дедилар.

Аслида нопоклик Пайғамбар алайҳиссаломнинг кавушларида эди, шунинг учун Жаброил алайҳиссалом у зотга кавушларини ечиб қўйишни хабар қилган эдилар. Бошқаларнинг кавушларини ечишларига зарурат йўқ эди, аммо саҳобалар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга иқтидо қилиш истаклари ғоятда кучли бўлганидан «Модомики, Расулulloх кавушларини ечдиларми, биз ҳам ечишимиз лозим», деб шундай қилдилар. Бу биргина оддий мисол. Саҳобаи киромларнинг ҳаётлари бу каби иқтидонинг олий намуналарига тўладир.

Шундай қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини англаб, бошқаларга ривоят қилиш у кишининг ҳаётлари давомидаёқ бошланган эди. Саҳобалар бир-бирларига, айниқса катта саҳобалар кичикларига Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини оқизмай-томизмай ривоят қилганлар, саҳобалардан эса улардан кейинги мусулмонлар авлоди – тобеъинлар қабул қилиб олганлар.

Саҳобаларнинг баъзилари Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини кўплаб ривоят қилиш билан машҳур бўлганлар. Абу Ҳурайра розияллоху анху энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳоба эканликлари ҳаммага маълум. У кишидан кейинги ўринда Оиша онамиз розияллоху анҳо турадилар. Шунингдек, тўрт рошид ҳалифалар – ҳазрати Абу Бакр Сиддик, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али розияллоху анҳулар, Абдуллох ибн Умар, Абдуллох ибн Маъсуд, Анас ибн Молик каби саҳобалар ҳам кўп ҳадис ривоят қилиш билан ном чиқарганлар.

Шу давр ҳақида яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам даврларида, тўрт халифалар даврида, то юзинчи ҳижрий санагача ҳадисни ёзиб қўйиш расмий равишда йўлга қўйилмаган, чунки Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: «Мендан Қуръондан бошқани ёзманглар», деганлар. Шунинг учун расмий равишда Қуръони каримни ёзишга алоҳида эътибор берилган, аммо бу билан ҳадис умуман ёзилган эмас, деган маъно ифода этилмайди. Кишилар хусусий равишда ўзлари учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини ёзиб юришган.



Ҳадис ёзганлар ҳам, ёзмаганлар ҳам ҳадисларни ўта аниқлик билан ривоят қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билар эдилар, бирорта ҳадисни аниқлаш учун ҳар қанча оғир меҳнатдан, узоқ сафардан ҳам қочмас эдилар.

Имом Бухорий Уқба ибн Ҳорисдан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Бир аёл Уқба розияллоху анхуга: «Мен сени ҳам, хотинингни ҳам эмизганман», дебди, шунда Уқба дарҳол уловини миниб, Маккадан Мадинага қараб йўлга чиқибди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, билмасдан эмикдош синглисига уйланиб қўйган, кейин эса эмизган шахс хабарини берган одамнинг ҳукми ҳақида сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Қандоқ гап?! Бунинг ҳукми айтилган-ку!» деб икковларини ўша заҳоти ажратдилар. Сўнгра аёл бошқа эрга тегди».

Ўша вақтда Маккадан Мадинага боришнинг ўзи осон бўлмаган. Неча кунлаб машаққатли сафар қилиш зарур бўлган. Лекин саҳобаларнинг ҳар бир нарсада Ислому ҳукмига амал қилиш рағбатлари, ҳар бир нарсани Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан сўрашга бўлган қизиқишлари ҳамма нарсадан устун турган.

Саҳобалар нафақат ҳадисларни ўрганишни, балки ўргатишни ҳам ўз бурчлари деб билар эдилар, чунки Ислому таълимоти, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатмалари шу эди.

Имом Термизий ва Имом Абу Довудлар Зайд ибн Собит розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Менинг гапимни эшитиб, ёд олиб, сингдириб, сўнгра эшитганидек қилиб адо этган одамни Аллоҳ неъматлантирсин», деганлар.

Имом Ибн Абдул Барр Абу Бақр розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингиз! Сиздан ҳозир бўлганлар ғойибларга етказсин», деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

«Ким илмни беркитса, оловдан бўлган юган билан юганланади», деганлар.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини билган саҳобалар уларни бошқаларга етказишга астойдил ҳаракат қилар эдилар. Шу билан бирга, улар ўта аниқлик билан ривоят қилаётганларига ишончлари комил бўлсагина, бу ишга журъат этардилар, акс ҳолда ҳадис ривоят қилишдан ўзларини тияр эдилар, чунки Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда:

«Кишига ҳар бир эшитган нарсасини гапираверишнинг ўзи гуноҳ учун етарли», деган эдилар. Яъни эшитган нарсасини орқа-олдига қарамай гапиравериш гуноҳга олиб боради, ҳар бир нарсани эшитгандан сўнг яхшилаб аниқлаб, кейин гапириш керак.

Саҳобалардан Зубайр ибн Авом розияллоху анху ҳадисни оз ривоят қиладиган кишилардан эдилар. Имом Бухорийнинг ривоят қилишларича, Зубайр розияллоху анхуга ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анху:

«Фалончи-пистончиларга ўхшаб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилганингизни эшитмайман», дебди. У:

«Мен у зот соллаллоху алайҳи васалламдан ажраганим йўқ-ку, лекин: «Ким мендан ёлғон гап айтса, дўзахдаги ўрнини тайёрлайверсин», деганларини эшитганман», деган экан.

Яъни Зубайр ибн Авом розияллоху анху ҳадис ривоят қилишда бирор ноаниқликка йўл қўйиб, гуноҳкор бўлиб қолишдан кўрққанлар.

Саҳобалардан Зайд ибн Арқам розияллоху анхуга: «Ҳадис айтиб беринг», дейилса, «Ёшимиз улғайди. Эсдан чиқарадиган бўлиб қолдик. Расулуллоҳдан ҳадис ривоят қилиш қийин нарса», дер эдилар.

Демак, саҳобаи киромлардан ҳадис ривоят қилишда ўта аниқлик билан иш тутаётганига қаттиқ ишонганларигина бу ишга журъат этганлар, қолганлар ўзларини тийганлар.

Шу билан бирга, умумий сиёсат шундай бўлганки, ҳадис ривоят қилувчилар текшириб турилган. Бу ишда заррача бепарволикка йўл қўйилмаган. Бу борада кўпроқ ҳазрати Умар розияллоху анху халифалик вақтларида бўлиб ўтган машҳур ҳодиса мисол қилиб келтирилади.

Имом Муслим Абу Саъид розияллоху анхудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Абу Мусо розияллоху анху эшик ортидан туриб, Умар розияллоху анхуга уч марта салом берди. Унга изн бермаган эди, қайтиб кетди. Умар унинг ортидан одам юбориб:

«Нега қайтдинг?» деб сўратди. У:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Сиздан бирортангиз уч марта салом берганида жавоб бўлмаса, ортига қайтсин», деганларини эшитган эдим», деди. Умар:

«Ана шунга хужжат келтирасан, бўлмаса кунингни кўрсатаман», деди. Биз ўтирган эдик, Абу Мусо ранги ўчган ҳолда ҳузуримизга келди.

Биз унга:

«Сенга нима бўлди?» дедик. У бўлган воқеани айтиб:

«Бирортангиз (шу ҳадисни) эшитганмисиз?» деди. Биз:

«Ҳа, ҳаммамиз эшитганмиз», дедик. (Саҳобалар) у билан бир кишини юбордилар. Ўша одам бориб, хабар берди».

Албатта, бу ҳадисни ҳазрати Умарнинг ўзлари ҳам яхши билар эдилар. Лекин сиёсат учун, одамлар ҳадис ривоят қилишдек масъулиятли ишни осон санаб, эътиборсиз бўлмасликлари учун шундай қилганлар. Шунинг учун ҳам воқеа бўлиб ўтганидан кейин Абу Мусо розияллоху анхуга:

«Мен сени бирор нарсада айбламоқчи эмасман. Аммо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадислари ўта аниқ бўлиши лозимлигини билдириб қўймоқчи эдим», деганлар.

Кўришиб турибдики, бир одам ким бўлишидан қатъи назар, ҳадис эшитганини даъво қилса, ундан бунинг исботи учун гувоҳ кўрсатиш сўралган. Яъни ўша ҳадисни бир киши эмас, кўп киши эшитган бўлиши шарт қилиб қўйилган.

Шундай қилиб, Пайғамбаримизнинг ҳадислари улкан иноят билан сақланиб, ёдланиб, ривоят қилиб келинди. Бунда саҳобаи киромларнинг хизматлари ғоятда катта бўлди. У зотлар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг тириклик пайтларида бу ишга қандай аҳамият

берган бўлсалар, у зотнинг вафотларидан кейин ундан ҳам кўпроқ эътибор бера бошладилар. Шу ўринда яна бир мисол келтирамиз:

Имом Бухорий, Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Имом Байҳақийлар қилган ривоятда буюк саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анху қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бирлари мен эшитмаган бир ҳадисни билиши ҳақида эшитиб қолдим. Бир туя сотиб олдим. Унга юкимни юкладим. Сўнгра бир ой йўл юриб, Шомга етиб бордим. Қарасам, у одам Абдуллоҳ ибн Анас ал-Ансорий экан. Олдига бориб:

«Менга маълум бўлишича, сен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан зулм қилганлар муомаласи ҳақида мен эшитмаган ҳадисни эшитган экансан. Ўша ҳадисни эшитгунча мен ўлиб қоламанми ёки сен ўлиб қоласанми, деб кўрқиб келдим», дедим. У ҳадисни айта бошлади...»

Ҳазрати Умар розияллоху анху ўз халифалик вақтларида саҳобаларга Мадинаи Мунавварадан кўчиб, чиқиб кетишга руҳсат бермас эдилар. Доимий яшаш жойлари Мадина эди. Шунинг учун ҳадис ўрганмоқчи бўлганлар Мадинаи Мунавварага келишарди.

Ҳазрати Усмон розияллоху анхунинг даврларида саҳобаи киромлар турли юртларга, шаҳар-қишлоқларга кўчиб кетдилар. Ўша ердаги одамлар улардан ҳадисларни ўргана бошладилар. Шу билан бирга, Ислом давлатининг чегараси ҳам тезлик билан кенгайиб борди. Турли халқлар, динлар, мазҳаблар, миллат ва элатлар вакиллари Исломни қабул қилдилар. Албатта, уларнинг ёдлаш қобилияти, араб тилини билиш даражаси, эътиқоди ва бошқа омиллари саҳобаи киромлар даражасида эмас эди. Бунинг устига, уларнинг орасида турли ғаразгўй кишилар ҳам бор эди.

Қолаверса, сиёсий фитналар чиқиб, турли жанжаллар бошланди. Хилма-хил фирқалар юзага келди. Орада ҳам қуролли, ҳам фикрий, ҳам даҳанаки жанглари авж олди. Маълумки, тарафкашлик, гуруҳбозлик бор жойда, мутаассиблик бор жойда ўз тарафдорларини қўллаш учун ҳеч нарсадан қайтилмайди. Бундай пайтда мустақийм қолиш жуда ҳам қийин. Ҳар ким, ҳар тараф ўзининг ҳақлигини исботлаш учун тўғри-нотўғри барча чора-воситаларни ишга сола бошлайди. Ўша пайтдаги оммавий ҳаёт диний ҳаётдан иборат бўлгани учун ҳар ким ўзини диндор кўрсатишга, ўзининг қилаётган ишига, айтаётган гапига Қуръон ва Суннатдан далил келтиришга уринар эди.





Шу услуб билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортар ва хайрихоҳлигини уйғотишга уринар эди. Албатта, ҳақийқат икки хил бўлмайди. У битта бўлганлиги учун ҳаммиша талашаётган икки томондан бири ҳақ, иккинчиси ноҳақ бўлаверади. Ана шундай ҳолатда ноҳақ томон Қуръонни ботил таъвил қилишга ва ичидан тўқиб чиқарган гапни ҳадис деб, ёлғон даъво қилишга ўта бошлайди. Айниқса, бундай ишларда яҳудий Абдуллоҳ ибн Сабаъ каби Ислонни бузиш мақсадида ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб юрган кишилар тинчимадилар.

Уламоларимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлмаган нарсани ҳадис деб тақдим этишни «ҳадис вазъ қилиш (қўйиш)» дейдилар. Сохта ҳадисни эса «мавзуъ (сохта, тўқилган) ҳадис» деб атайдилар. Ана ўша мавзу (сохта) ҳадисларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

1. Сиёсий ихтилофлар. Бу борада Рофиза мазҳабидагиларнинг сохта ҳадис айтишда ҳаддан ошганликлари алоҳида таъкидланади.

2. Зиндиклик. Яъни зимдан Ислон динига ва давлатига қарши кураш олиб борувчи ҳаракат томонидан ҳадис тўқиш.

3. Қавмига, қабиласига, тилига, юртига ва имомига мутаассиб бўлиш. Бунда ҳар ким ўз қавмини, қабиласини, тилини, юрти ва имомини мактаб, бошқаларни ёмонлаб, сохта ҳадис тўқийди.

4. Қиссачилик ва ваъзхонлик. Баъзи бир жоҳил кишилар одамларни оғзига қаратиб, шуҳрат қозониш мақсадида турли нарсаларни тўқиб, уларни ҳадис деб даъво қиладилар.

5. Фикҳий ва эътиқодий мазҳаблардаги ихтилофлар. Бунда ҳам ўз мазҳаби ҳақ, тўғри эканлигини исбот қилиш мақсадида сохта ҳадис тўқийдилар.

6. Жоҳил кишиларнинг динга хизмат қиламан деб уринишлари оқибатида тўқилган ҳадислар.

7. Подшоҳ ва амирларга ёқиш мақсадида ҳадис тўқиш.

Ана шундай бир пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Суннатларининг поклигини сақлаб қолиш, унга сохта нарсаларни аралаштириб юбормаслик масаласи кўндаланг бўлди. Ҳадис билан таниш кишилар учун ҳақийқий ҳадис билан сохтасини фарқлаб олиш қийин эмас эди. Аммо авом халқ, янги мусулмон бўлганлар ва келажак авлод учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини асл ҳолида етказиш зарурроқ эди. Буни эса омма учун ҳадис китоблари ёзиш билан амалга ошириш мумкин эди.

Аср бошида Қуръондан бошқа нарсани расмий равишда ёзмаслик давлат сиёсати бўлса, энди ўша вақтдаги омиллар ўзгарган, ҳадис билан Қуръон аралашиб кетмасин, деган эҳтиёткорликка ҳожат қолмаган, Қуръони Карим ёд олиниб, ўрганиб бўлинган эди.

Ҳазрати Усмон даврларида Қуръони Каримни мусхафларга ёзиб, улардан расмий нусхалар кўчириш ҳам илмий асосда йўлга қўйилди. Энди ҳадисларни расмий равишда ёзиб, эҳтимом беришни давлат сиёсатига айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди.

Мана шу ишни тобеъинлар амалга ошира бошладилар. Чунки тобеъинлар саҳобаларни кўрган мусулмонлар авлоди бўлиб, уларнинг ичида бу ишга лаёқатли кишилар кўп эди. Улар саҳобаи киромларнинг мухлис ва вафодор шогирдлари сифатида улардан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини тўлалигича, соф ҳолида қабул қилиб олган эдилар. Тобеъинлар ичида Саъид ибн Мусаййиб, Ато ибн Абу Рабоҳ, Қатода, Товус, Ҳасан Басрий, Ибн Шихоб аз-Зухрий каби кишилар улкан муҳаддислар сифатида машҳур бўлганлар.

Биринчи хижрий аср охирида халифалик қилган, кўпчилик томонидан бешинчи рошид халифа деб тан олинган Умар ибн Абдулазиз Ибн Шихоб аз-Зухридан ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадис китоби ёзишни сўради. Ибн Шихоб аз-Зухрий содда қилиб, бир китоб таълиф қилди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Расмий равишда ҳадис китоблар ёзиш шундан бошланди.

Ушбу муборак ва масъулиятли вазифага алоҳида ҳимматли уламолар бел боғлаб, енг шимариб, ишга тушдилар. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ишончли, адолатли ривоятлардан олишни, Суннати набавийя пок, соф эканлигини исбот этишни ўз олдларига вазифа қилиб қўйдилар. Шу билан бирга, улар сохта ҳадислар ва уларни тўқиганларни фош қилишни ҳам кўзлаб, иш олиб бордилар. Улар бу мақсадга эришиш йўлида инсоният тарихида мисли кўрилмаган улкан ва нозик, ишончли ва покиза илмий иш олиб бордилар.

Муҳаддис уламоларимизнинг бу илмий жасоратлари бир неча илмларга, жумладан, бугунги кунда бутун дунёда умуминсоний илмлар деб аталаётган илмларга асос бўлди. Ҳадиснинг ҳақийқийлигини, унинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлганлигини исбот қилиш учун у бир қанча синовлардан ўтиши зарур эканлиги шарт қилиб қўйилди.

## МАВЛУД МАРОСИМИ

Барчаларимизни рабиъул аввал – Мавлуд ойига етказган Роббимизга ҳамду санолар бўлсин!

Ассалому алайкум, азиз мухлису мухлисаларимиз!

Рабиъул аввал – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари даврларида, китобларда «мавлуд ойи» деб юритилмаган бўлса ҳам, кейинги вақтларда бу ойни шундай деб аташ одат бўлиб қолган, чунки мана шу ойда Расулимиз, Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд тоганлар.

Бу ойда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эҳтиромлари баланд, у зотни яхши кўрадиган барча умматлар у зот алайҳиссаломни кўпроқ эшлашга, салавотлар айтишга кўпроқ ҳаракат қиладилар.

Пайғамбар алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобалари яшаган даврларда бу одат бўлмаган. Орадан 700-800 йиллар ўтиб, олимлар у зотга бағишлаб кўплаб қасидалар ёзганлар. Бу қасидаларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунларида ўқиш, у зот алайҳиссаломга салавотлар айтиш бутун мусулмон оламида одат тусига кирган.

Аллоҳга шукрки, бизнинг юртимизда ҳам Мавлуд ойи муносабати билан жомеъ масжидларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга аталган қасидалар ўқилади, у зот алайҳиссаломни эслаб салавотлар айтилади, дуолар қилинади. Аммо аёллар орасида Мавлуд бидъат даражасига кўтарилган. Бундай маросимларда одатда отин ойи ва аёллар ўтирган уйга исирик, туршак, совун, қанд каби нарсалар олиб кирилади. Гўёки уларга дам солиниб, маросим сўнггида бу нарсалар аёлларга тарқатилади. Маросимга йиғилганларнинг ҳаммаси Мавлуд ўқиган отин ойининг олдида пул ташлаб, дуо қилишларини сўрашади. Ахир бу маросимни турли бидъатларни аралаштирмасдан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, тарихлари, йўқолиб кетаётган суннатлар ҳақида суҳбатлар уюштириб, у зотга салавотлар айтиб, дуолар қилб ўтказиш ҳам мумкин-ку.

Охирги пайтларда одамлар турли маъракаларни – у никоҳ тўйи бўладими, таъзия маросими бўладими, ақиқа бўладими, ҳаммасида мавлуд ўқитишни йўлга қўйишмоқда. Мавлуд қилишдан мақсад дастурхон ёзиб, қорин тўйғизишдек, гўё. Бу эса мавлуднинг асл моҳиятини йўқотади. Аксарият хонадон эгалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрганидан Мавлуд ўқитаётганини даъво қилишади-ю, аммо ўзлари суннатлардан бирортасига ҳам амал қилишмайди.

«Ҳофиз Суютийдан рабиъул аввал ойида мавлудин набий қилиш, унинг шаръий ҳукми,



бу ишни қилган одамга савоб ёзилиши ёки ёзилмаслиги ҳақида сўралганида у киши қуйидаги жавобни берди:

«Менинг жавобим шуки, аслида одамларнинг жамланиб, муяссар бўлганича Қуръон тиловат қилишлари, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатларининг аввалида рўй берган хабарларни, у зотнинг туғилишларида содир бўлган мўъжизаларни ривоят қилишлари, агар охирида уларга егулик нарса улашилиб, унга бошқа нарсалар зиёда қилинмай тарқалиб кетадиган бўлсалар, бу бидъати ҳасанадир (яхши бидъатдир)».

Буни қилган одамга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлагани, у зотнинг мавлудлари муносабати ила хурсандчилик изҳор қилгани учун савоб берилади. Демак, мавлуд маросимларида огоҳ бўлиб, турли бидъат-хурофотлардан четланган ҳолда қатнашиш ёки ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биз учун йўлбошчи бўлиб юборилганликлари, биз у зотга уммат эканлигимиз катта бахтдир. Ҳатто бошқа пайғамбарлар ҳам Муҳаммад алайҳиссаломга уммат бўлишни орзу қилишган. Шундай экан, биз у зотга нафақат бу ойда, балки ҳар дақиқада имкони борича кўпроқ салавоту саломлар айтишимиз лозим.

Ва соллаллоҳу аъла хойри халқиҳи Муҳаммадин ва аъла алаҳи ва асҳабиҳи ажмаъин.

*Дилафруз тайёрлади*



Мана, кунлар, ҳафталар, ойлар ўтиб, рабиъул аввал ойига ҳам етиб келдик. Ушбу ой биз, мўмин-мусулмонлар учун ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланади, чунки бу ойда оламларнинг сарвари, одамларнинг афзали, суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келганлар.

Азиз болажонлар! Сиз Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида нималар биласиз? У зоти бобаракотнинг ота-оналари, боболари ҳақида биласизми? Билсангиз, жуда яхши, агар акси бўлса, қуйидаги сатрларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, иншааллоҳ, билиб оласиз.

Дастлаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота-оналари ҳақида сўз юритсак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталарининг исми Абдуллоҳ бўлган, Абдуллоҳ эса Қурайш қабиласининг улуғи Абдулмуттолибнинг ўнта ўғлидан энг кичиги ва эркаси эди. У киши қабиласидаги тенгқурлари ичида жуда кўркам ва гўзал ахлоқли, вазмин ва босиқ одам бўлган.

У зот алайҳиссаломнинг оналари Бану Зухра қабиласининг улуғи Ваҳбнинг қизи Омина бўлиб, ниҳоятда одобли, гўзал, қабиласининг энг олди қизларидан эди.

Энди у зотнинг боболарига келсак, ҳадисларда 20 та боболари санаб ўтилган. Уларнинг аввали Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссаломга бориб тақалади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари билан танишиб чиқсак:

1. Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб;
2. Абдулмуттолиб ибн Ҳошим;
3. Ҳошим ибн Абдуманоф;
4. Абдуманоф ибн Қусай;
5. Қусай ибн Килоб;
6. Килоб ибн Мурра;
7. Мурра ибн Каъб;
8. Каъб ибн Луъай;
9. Луъай ибн Ғолиб;
10. Ғолиб ибн Фихр;
11. Фихр ибн Малик;
12. Малик ибн Назр;
13. Назр ибн Кинона;

14. Кинона ибн Хузайма;
15. Хузайма ибн Мудрика;
16. Мудрика ибн Илйас;
17. Илйас ибн Музар;
18. Музар ибн Низар;
19. Низар ибн Маъд;
20. Маъд ибн Аднон.

Ҳадисларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг тушига ўзлари қандай бўлсалар, ўшандай суратда кирар эканлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Одам боласининг энг гўзали бўлганлари аниқ, лекин яхшироқ тасаввур қилиш учун у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида келтирилган шакл-шамоиллари билан танишиб чиқсак.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп бўлиб, елкаларига тушиб турадиган киши эдилар. Устиларида қизил рангли кийим бўларди. Ҳеч қачон у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани кўрмаганман».

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки болдирларида озғинлик бор эди. Кулгилари фақат табассумдан иборат эди. Агар у зотга назар солсанг, кўзларига сурма суртилганми, дер эдинг. Ҳолбуки, сурма бўлмасди».

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмнинг ичида ўрта бўйли: новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, тиниқ рангли – ўта оппоқ ҳам эмас, ўта бугдой ранг ҳам эмас, (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас эдилар. Қирқ ёшларида у зотга (вахий) нозил этилди. Бас, Маккада ўн йил (вахий) нозил бўлиб турди. Мадинада ўн йил. У зот қабз қилинганларида соч ва соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди».

Хўш, болажонлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида озгина бўлса ҳам тасаввурга эга бўлдингизми? Ўрганганларингизни яхшилаб ёдда сақласангиз ва бу ҳақда ўртоқларингизга ҳам сўзлаб берсангиз, жуда яхши иш қилган бўласиз, иншааллоҳ.

## ШАФОАТГА ЛОЙИҚМИЗМИ?

Бизни Ўзининг охирги Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларидан қилган Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин.

Ҳаётларининг ҳар бир лаҳзаси биз учун ибрат манбаи бўлган ҳабибимиз ва шафоатчимиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга батамом ва мукамал салавоту дурудлар бўлсин.

Мавлуд ойида бир йиғинда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳақида сўз очилди. Баъзи нарсалар ҳақида сўралди, кўпчилик энди эшитаётгандек ажабланиб кулок солди. Ҳар бир мусулмон билиши керак бўлган нарсалар ҳақидаги саволларга кўпчилик жавоб бера олмади. Пайғамбаримизга умматман, шафоатларига сазовор бўламан, деган мусулмонларнинг ҳолати шу бўлса, бошқалардан ажабланмаса ҳам бўлади...

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир набийнинг қабулида шак йўқ дуоси бўлади. Барча набийлар ўз дуосини қилиб бўлди. Мен ўз дуоимни қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун беркитиб қўйганман. У менинг умматимдан Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасдан вафот этганларга албатта етгувчидир», дедилар». (Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.)

Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматлари ҳақида қайғурганлар, ташвиш чекканлар. Бундай катта шарафга мушарраф бўлган биз умматлар у зот алайҳиссаломнинг бу қадар қайғуришларига муносибимизми? Бу қадар эътиборга лойиқ амалларни ихлос билан бажаряпмизми, суннатларига оғишмай амал қилмоқдамизми?

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига тўлиқ амал қилишни қўйиб турайлик, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ким эканликларини, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт тарзларини, оила аъзоларини, сифатларини, хулқларини, у зотга тегишли бошқа маълумотларни чин мусулмон билиши лозим бўлган даражада биламиз, дея оламизми? Аксариятимиз билмаймиз, билишга ҳаракат ҳам қилмаймиз. Кино актёрлари, қўшиқчиларнинг

туғилган куни, қанча фарзанди борлиги, оилавий ҳаёти қандай эканини ёддан айтиб берамиз, ҳатто баъзилари идеализмга айланган. Кийинишда, соч турмаклашда, ҳаттоки ўзимизни тутишда ҳам уларга таклид қиламиз, лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон туғилганлар, ота-оналарининг исми нима, ҳаёт тарзлари қандай бўлган – булар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бу мусулмон киши учун ниҳоятда уятли ва шармандали ҳолатдир. Аслида биз мусулмонлар ўрнатқилишимиз, таклид қилишимиз керак бўлган зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлишлари керак эмасми?! У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидан ўрнатқилишимиз, буюрганларига амал қилишимиз лозим эмасми?! Бир устозим: «Ўзини ҳақиқий мусулмон деб билган инсон камида бир йилда бир марта сийрат китобини ўқиб, уни яхшилаб билиб олиши керак», деган эдилар. Сийрат китобларини ўқиб-ўрганиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги маълумотларимизни, тасаввурларимизни, илмимизни кенгайтиришимиз, фарзандларимизга, оила аъзоларимизга, бошқа яқинларимизга ҳам бу китобларни ўқишни тавсия қилишимиз, ўрганганларимизни эса ҳаётга татбиқ қилиб боришимиз лозим.

*Назокат тайёрлади.*



# Ҳикмат

Мусулмонлар номига доғ туширадиган уч нарсдан кўрқаман - қорни катталиқ, ғафлат уйқуси ва дангасалиқ.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам.*

Шухрат - офатдир.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Энг севган сўзим – тўғри сўздир.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Бирор нарсани кучли севиш инсонни ўша нарсага нисбатан кўр ва қар қилиб қўяди.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Инсонлар етарлича қийматини билмайдиган икки нарса бор – соғлиқ ва бўш вақт.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Орангизда энг ақллиларингиз – ўлимни энг кўп ўйлайдиганларингиз, энг кучлиларингиз – ўлимига доимо тайёр бўлганларингиздир.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Ҳар бир умматнинг бир иллоти бор. Менинг умматларимнинг иллоти – мол-дунёга бўлган севгидир.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Қасамки, кўшниси унинг ёмонликларидан кўрққан кимса иймон келтирган бўлмайди.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Кўшниси оч экан, тўқ ухлаган мўмин эмас.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Қаноат – тугамайдиган хазинадир.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Кимки бирор яхшиликка йўл кўрсатса (восита бўлса), ўша яхшиликни қилганлик савобини олади.

*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*

Зулм, бевафолик ва ҳийла кимда бўлса, зарари унинг ўзига тегади.

*Ҳазрати Абу Бакр*

Ҳаёси кетган одамнинг қалби ўлади.

*Ҳазрати Али*

Инсонни бузадиган биргина нарса бўлса, у ҳам дангасалиқдир.

*Ҳазрати Али*

Аллоҳнинг қулга марҳамати – меҳрибон онанинг фарзандига бўлган марҳаматидан ортиқроқдир.

*«Сунани Термизий»дан*

*Ирода тайёрлади*

## БАДАНТАРБИЯ

Ҳозирги кунимизда соғлиқни сақлаш, хасталикка чалинмаслик учун бадантарбия қанчалик аҳамиятли эканлигини ҳамма тушуниб етган. Каттаю кичик иложи борича бадантарбияга эътибор беришга ҳаракат қилади. Бу нарсага айниқса ривожланган давлатларда одамлар ниҳоятда берилганлар. Ҳаммининг кучли, қувватли, эпчил, соғ-саломат бўлгиси келади ва хасталикларга чалинмасликка ҳаракат қилади. Бунинг учун эса бадантарбия ила шуғулланиш лозим. Ривожланган давлатларда ана шу нарса кишиларга яхшилаб сингдирилган ва улар орасида кенг тарқалган.

Ислонда ҳам бу ишга алоҳида эътибор берилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу мавзуга оид баъзи ҳадиси шарифларини ўргансак, масалани тўғри тушунишимизга ёрдам бўлади.

Имом Аҳмад ва Имом Абу Довудлар Оиша розияллоҳу анҳодан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганда яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва «Ҳалиги билан биру бир», дедилар».

Қаранг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам завжалари Оиша онамиз розияллоҳу анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар. Бу югуриш мусобақаси ўтган пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди. Кейинги, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган. Бу бадантарбия билан оилавий равишда шуғулланишдир. Афсус, кўпгина мусулмонлар бунга ўхшаш нарсалардан хабарсиздирлар.

Қадимги уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифни шарҳ қилар эканлар, бир неча маъноларга урғу берганлар. Улар «Оишанинг ҳадисида оёқда югуриб мусобақа қилишга, маҳрам эркак ва аёллар орасида мусобақа ўтказишга, бу иш виқорга, шарафга, илмга, фазлга ва ёшнинг улуғлигига номуносиб эмаслигига далил бор», дейдилар.

Минг афсуслар бўлсинки, кўпчилик мусулмонлар, хусусан, Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишни даъво қилувчилар, мана бу маънолардан йироқдирлар. Улар бадантарбия билан шуғулланиш виқорга, шарафга, илмга, фазлга ва ёшнинг улуғлигига номуносиб, деб биладилар.

Имом Муслим ва Имом Аҳмадлар келтирган ривоятда саҳобалардан Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Биз йўлда юриб борар эдик. Ансорийлардан мусобақада ҳеч енгилмаган бир киши:

«Мадинагача мусобақалашувчи борми? Қани, ким мусобақа қила олади?» дея бошлади.

«Ҳурматли кишининг хурматини, шарафлининг шарафини риоя қилмайсанми?» дедим.

«Фақатгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни», деди.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин! Қўйиб беринг, шу одам билан мусобақалашай», дедим.

«Хоҳишинг бўлса, майли», дедилар у зот. Мадинага ундан биринчи, аввал етиб бордим».

Ушбу ривоятдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ичида доимий равишда спорт мусобақалари бўлиб турганлигини билиб оламиз. Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳунинг «Ансорийлардан мусобақада ҳеч енгилмаган бир киши» дейишлари шу маънога далолат қилади. Яъни саҳобалар ичида мусобақаларда доимий равишда биринчи бўлганлари ҳам бор экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса худди Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳуни спорт мусобақасига рағбатлантирганларидек ҳаммани рағбатлантириб турганлар.

Имом Абу Довуд Муҳаммад ибн Али ибн Рукондан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Рукона Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кураш тушди. Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни йикитдилар».

Уламоларимиз ушбу кураш мусобақаси ҳақидаги ҳадиси шарифнинг ўзига хос қиссасини ҳам ривоят қилдилар.

Имом Абу Довуднинг ривоятида бу қисса қуйидагича баён этилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Батҳода эдилар. У зотнинг ҳузурларига Рукона ибн Язийд қўй-эчкиларини ҳайдаб келди ва:

«Эй Муҳаммад, мен билан курашга тушасанми?!» деди.

«Совринга нима кўясан?» дедилар.  
«Кўйларимдан бирини», деди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам у билан курашга тушдилар ва уни йикитдилар. Кейин эса кўйни олдилар. Рукона:

«Яна қайта тушасанми?» деди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Охири у:

«Эй Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, ҳеч ким ёнимни ерга теккиза олмаган эди. Мени йикитган сен эмассан!» деди-да, Исломга кирди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам унга кўйларини қайтариб бердилар».

Бундан мусулмон кишининг мусулмон бўлмаган киши билан ҳам мусобақа ўтказиши мумкинлиги аён бўлади. Шунингдек, спорт орқали яхшиликларни тарқатиш, кишиларни Исломга киритиш ҳам мумкинлиги тасдиқланади. Яна Руконага ўхшаган баъзи ҳовлиққанлар бўлса, попугини пасайтириб қўйиш ҳам мумкин бўлади. Бунинг учун эса мусулмонлар доимий равишда бадантарбия билан шуғулланиб, соғ-саломат ҳолда тайёргарлик кўриб юришлари лозим бўлади.

Бошқа ривоятларда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларини кураш тушириб, мусобақалар ўтишига ўзлари бош бўлганлари ҳам айтилади. Уҳуд ва бошқа баъзи урушлар бошланишидан олдин ўспирин мусулмон йигитлар келиб, ўзларининг аскарликка қабул қилинишини талаб қилганлар. Ўшанда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам уларни кураштириб, ғолиб келганларни аскарликка қабул қилганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Ҳабашийлар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларида хироб ўйнашаётган эди. Умар кириб қолди-да, эгилиб, тош олиб, уларга ота бошлади. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Умар, уларни тек қўй!» дедилар».

«Хироб» – қурол ушлаб, чаптастлик намуналарини кўрсатадиган ҳарбий спорт ўйинининг номи. Ҳабашийларнинг мазкур ўйини Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг масжидларида бўлган. Бу ҳол ҳам ўша даврда бадантарбияга қанчалик аҳамият берилганлигининг бир намунасидир.

Имом Бухорий ва Имом Аҳмад Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бозорда камон отиш мусобақасини ўтказаётган асламлик кишилар хузуридан ўтиб қолдилар ва:

«Эй Бани Исмоиллар! Отинглар! Отангиз мерган эди. Отинглар! Мен Бани Фулон биланман!» дедилар. Шунда тарафлардан бири кўлларини тийдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизларга нима бўлди? Отмай қўйдинглар?» дедилар. Улар:

«Сиз улар билан бўлсангиз, қандай ҳам отар эдик?!» дейишди. Шунда у зот:

«Отинглар! Мен ҳаммангиз биланман!» дедилар».

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш борасида ота-оналарни фарзандларини бадантарбия билан шуғуллантиришга тарғиб қилганлар. У зот:

«Авлодларингизга сузишни, отишни ва от минишни ўргатинглар», деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

«Ёзишни, сузишни ва отишни ўргатиш фарзанднинг ота-онадаги ҳаққидир», дейилган.

Ушбу ривоятларда келган маънолар яхши, албатта. Аммо ўйлаб кўрадиган бўлсак, Ислом ўзининг бутун борлиғи билан ҳаракат динидир. Унда ҳеч нарса ҳаракатсиз бўлмайди. Ўйлаб кўринг-а, бир вақт намоз ўқиш учун инсон қанчалик ҳаракат қилади. Саҳарда уйқусидан туриб, таҳорат қилиб, намоз ўқиш жойига бориб, икки ракъат намоз ўқиғунича одамнинг бирорта бўғини қолмай, ҳаракатга келади.

Рўза ҳам шунга ўхшаш: саҳарликка туриб, ҳаракат қилинади, Хуфтонга қўшиб, йигирма ракъат таровеҳ намози ўқилади.

Ҳаж ва умра эса асосан қаттиқ ҳаракатдан иборат ибодатлардир. Буларнинг ҳаммаси соғлиқ учун фойдали эканлигини мусулмон бўлмаган одамлар ҳам англаб етдилар.

«Ҳадис ва Ҳаёт»дан олинди  
Муяссар таёрлади.

## СУННАТГА МУВОФИҚ ЗИЙНАТЛАНИШ

Ўзининг азиз Китобида бандаларига: «Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатингизни олинг», деб хитоб қилган Аллоҳ азза ва жаллага битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.

«Қачонки Аллоҳ сенга молу дунё берар экан, У Зот сенга берган неъматнинг ва икромнинг асари кўринсин!» деб марҳамат қилган Расулимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту дурудлар бўлсин.

Биз, мусулмонлар ҳар бир ишда Аллоҳнинг амрига итоат қилиш учун аввало Куръони Каримга назар соламиз, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишга интиламиз. Зийнат бобида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мурожаат қиладиган бўлсак, бир қанча нарсаларни топамиз.

Улардан биринчиси ва энг муҳими – покликдир. Шаръий, айниқса фикҳий китобларда зийнат ҳақида гап кетадиган бўлса, аввало покликдан сўз очилади. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Зийнатнинг асли покликдир, поклик бўлмаса, ҳар қанча безанилса ҳам, фойдаси йўқ. Жоҳилиятда аксарият халқлар маданият чўққисига чиққанликни даъво қилиб туриб, лекин ҳаммом нималигини тасаввур ҳам қила олмаган, ювиниш, покланишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бир даврда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига поклик бобида гўзал намуна кўрсатдилар. Аллоҳ таоло Куръони Каримда: **«Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади»**, дея марҳамат қилган. Эътибор берсак, «покланувчилар», дейиляпти, «поклар» эмас. Бундан покланишга интилувчи ва ҳаракат қилиб, шунга эришувчилар назарда тутилгани аён бўлади.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўн нарса фитратдандир: мўйлабни қайчилаш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни қисқартириш, баданнинг букиладиган жойларини яхшилаб ювиш, қўлтиқни юлиш, қовуқни қириш, сув ила истинжо қилиш», дедилар. Мисъаб: «Ўнинчисини унутдим, менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак», деди».

Диний китобларни мутолаа қилар эканмиз, кизини турмушга бераётган онанинг қизига насихат қилаётиб, зийнатланиш воситаларининг энг афзали сув эканлигини уқтирганга, бу билан она қизига доимо озода юриш кераклигини тайинлаганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, жуда кўп ҳадиси шарифларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хушбўйликни севганлари, бу нарсага умматларини ҳам тарғиб қилганлари, ўзлари ҳам доимо хушбўйликдан фойдаланганликлари ва у зотнинг ўзлари ўта хушбўй бўлганлари айтилганини билиб оламиз. Бу ҳақда жуда кўп ривоятлар бор.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У киши хушбўй нарсани қайтармас эди ва «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хушбўй нарсани қайтармас эдилар», деган даъво қилар эди».

Бешта имом ривоят қилган бошқа бир ривоятда: «Кимга хушбўй нарса тақдим қилинса, рад қилмасин, чунки унинг ҳиди хушбўйдир ва вазни енгилдир» дейилган.

Термизийнинг ривоятида: «Уч нарса қайтарилмас: болишлар, хушбўй нарса ва сут», дейилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари билан танишар эканмиз, сочларини парвариш қилганлари, баъзида хинно билан бўяганлари, мойлаганларини ҳамда бошқаларни ҳам сочни парвариш қилишга буюрганларини билиб оламиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг сочи бўлса, уни икром қилсин», деганлар. Яъни парвариш қилиб, яхши қарасин. Яна у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзларига сурма қўйганлари ҳам ворид бўлган.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сурмадонлари бор эди, у зот ундан ухлашдан олдин ҳар бир кўзларига уч мартадан сурма сураб эдилар».

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга зийнат борасида кўп таълимотлар берганлар, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайздан покланиб, ғусл қилишда аёлларга сув ила сидр ишлатишни, мискланган пахталарни ишлатишни тавсия қилганлар. Сочларига безътибор бўлмасдан, вақти-вақти билан уларни парваришлаб, мойлаш, хиннолаш кераклигини уқтирганлар. Ҳадиси шарифларда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёл кишини кўзида сурмасиз, қўлида хинносиз кўришни ёқтирмакликлари ҳам айтилган.



Ҳар бир мусулмон ва муслима Аллоҳ азза ва жалланинг «Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатингизни олинг», (*Аъроф сураси, 31-оят*) деган хитобига итоат этган ҳолда ибодат учун зийнатланишлари зарур. Эркаклар кўпчилик билан жам бўлганда, жамоат жойларида ҳайъатлари гўзал бўлиб, атрофдагиларга танглик келтирмаслик мақсадида зийнатланишга урғу беришни ёдда тутишлари лозим. Биз аёллар эса эркакларимиз уйдан бирор жойга чиқишларидан олдин Оиша онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зийнатланишларида ёрдам берганларидек, уларга ёрдам беришимиз, зийнатланишни унутиб қўймасликлари пайдан бўлиб туришимиз лозим. Яна аёлларнинг зийнати асосан эрлари учун бўлишини унутмаслигимиз керак ва соллаллоҳу таъала ғала саййидина Муҳаммадин ва ғала алиҳи ва соҳбиҳи ажмаъийн.

*Одинахон Муҳаммад Юсуф*

### «Ўша кундан буён ОШҚОВОҚНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир тикувчи одам таом тайёрлаб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни даъват қилди. Мен ҳам у зот билан бирга бордим. Бас, у арпа нон, қуритилган гўшт ва ошқовоқли шўрва қўйди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лаган атрофидаги ошқовоқни териб еяётганларини кўрдим. Ўша кундан буён ошқовоқни яхши кўраман».

Эътиборингизга баъзи ошқовоқли таомларни тайёрлаш усулини ҳавола қиламиз.

#### АСАЛЛИ ОШҚОВОҚ

*Керакли маҳсулотлар:* 300 г қовоқ, 1 чой қошиқ асал, 1 чой қошиқ писта ёғи ва 1 чой қошиқ шакар.

*Тайёрланиши:* Қовоқни пўчоғидан тозалаб, 1-1,5 см қалинликда тўғралади, сўнгра асал, писта ёғи ва 2 ош қошиқ сувдан қиём тайёрлаб олинади. Тўғралган қовоқни духовка патнисига териб, устидан қиём қуйилади. 180°C да қиздирилган духовкага солинади ва қовоқ юмшоқ бўлгунга қадар пиширилади. Пишгандан сўнг устига шакар сепиб, яна духовкага 10 дақиқага қўйиб оламиз.

#### ҚИЙМАЛИ ҚОВОҚ

*Керакли маҳсулотлар:* 1 дона ўртача қовоқ, 300 г гўшт, 4-5 бош пиёз, 100 г гуруч, таъбга кўра туз, зираворлар.

*Тайёрланиши:* Қиймаси учун гўшт ва пиёз тўртбурчак шаклда тўғралади. Гуручни яхшилаб ювилади. Гуруч, гўшт, пиёз, таъбга кўра зираворлар ва туз қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Қовоқнинг бош қисмидан озгина кесиб, ичидаги уруғларини олиб, тозаланади. Сўнг ичига қиймани жойлаб, кесиб олинган бўлак устига ёпиб қўйилади. Қовоқни това ёки сопол лаганга қўйиб, духовкада 130-140°C да 25-30 минут давомида пиширилади. Пишган қовоқни кесиб-кесиб, дастурхонга тортамыз.

*Дилафруз тайёрлади.*



## Соғлиққа зарар етказувчи ва атрофни ифлос қилувчи нарсалардан қайтариш

Ислом маданиятида мусулмонларга покиза бўлиш билан бирга, юксак дидли бўлиш, атроф-муҳитни ифлос қилмаслик ҳамда кишилар соғлиғига зарар етказувчи тасарруфлар қилмаслик уқтирилади. Бундай ишлар турли хасталиклар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бирортангиз зинҳор оқмай турадиган сувга бавл қилмасин, сўнгра унда ғусл қилади»**, дедилар.

Бошқа бир ривоятда:

**«Сўнгра ундан таҳорат қилади» ва яна бошқа бир ривоятда: «Оқмас сувга бавл қилишдан қайтардилар»**, дейилган.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган бу ҳадисда муҳим масала кўтарилмоқда – ўша замонда ҳеч кимнинг эсига келмаган тиббий эҳтиёткорлик чоралари кўрилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бирор киши ҳам оқмай турган сувга бавл қилиши мумкин эмаслигини қаттиқ таъкидлаб айтмоқдалар.

Замон ўтиши билан илм-фан, хусусан, тиббиёт ривожланиб, одамлар бу таъкиднинг маъносини энди тушундилар. Инсон организмдан ажралиб чиққан пешобда турли зарарли моддалар бўлиб, сувга бавл қилинганда ундаги зарарли моддалар мазкур сувни истеъмол қилган, ундан таҳорат ёки ғусл қилган кишиларга жиддий зарар етказиши мумкин экан.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддисларимиз Жобир розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Идишларнинг устини ёпинг. Мешларни боғланг. Эшикларни беркитинг. Чироқларни ўчиринг. Бас, шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишларнинг устини очолмас. Агар бирингиз ҳеч нарса топа олмаса, идишининг устига бир чўпни қўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб қўйсин. Албатта, фосиқча уй аҳлининг устидан уйларига ўт қўйиб юборур»**, дедилар.

Абу Довуднинг лафзида:



**«Эшигингни беркит ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Чироғингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Идишининг устини ёп ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Мешингни боғла ва Аллоҳнинг исмини зикр қил»**, дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифнинг турли лафздаги икки ривояти бир-бирини тўлдириб келмоқда. Уларда кундалик ҳаётимизда доимо учраб турадиган ва амал қилишимиз лозим бўлган тўрт иш ҳақида сўз кетмоқда. Икки ривоятни бир-бирига қўшиб ўргансак, анчагина ҳукмлар чиқади.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам сиз билан бизга бошқаларнинг кўзида арзимас бўлиб кўринса ҳам, аслида муҳим бўлган ишлардан хабар бермоқдалар.

1. **«Эшигингни беркит ва Аллоҳнинг исмини зикр қил».**

Аввал айтиб ўтганимиздек, мусулмон одам ҳар бир нарсада Аллоҳнинг зикрини унутмаслиги лозим. Мана, кечкурун ётишдан олдин эшикни беркитиб қўйишда ҳам Аллоҳнинг исмини зикр қилиш керак экан.

Албатта, эшикни беркитиб қўйишда уй эгаси учун кўплаб фойдалар бор. Зотан, эшикни ўзи беркитиш учун қурилади. Эшик беркитилмаса, уйга турли зарарли хашаротлар, ҳайвонлар кириб, зарар етказиши мумкин. Жумладан, оила аъзоларининг соғлиқларига зарар етиши мумкин.

2. **«Чироғингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил».**

Ушбу амри набавийга амал қилган ҳолда ҳар бир мусулмон кечкурун чироғини ўчириб ётмоғи

лозим бўлади. Чироқни ўчирмай ётишда зарар борлиги сир эмас. Бу ишнинг зарарларидан бири ҳадиси шарифнинг ўзида айтиб ўтилмоқда:

«Албатта, фосиқча уй аҳлининг устидан уйларига ўт кўйиб юборур».

Бу жумладаги «фосиқча» сичқондир. Сичқон қандай қилиб уй аҳлининг устидан уйларига ўт кўйиб юбориши мумкин? Кечаси чироқни ўчирмай ётганда ўша замондаги пиликли чироқнинг липиллаб ёнаётганини кўрган «фосиқча» унинг олдида пилдираб келиши ва уни туртиб, йиқитиб юбориши мумкин. Шу билан қарабсизки, уйга ўт кўйилиб турибди-да. Тунда заруратсиз чироқни ўчирмай ётганда бундан бошқа кўнгилсизликлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда, кечаси билан беҳуда ёниб турган чироқдан оила иқтисодига зарар етиши турган гап.

### **3. «Идишнингнинг устини ёп ва Аллоҳнинг исмини зикр қил».**

Демак, озиқ-овқат ва ичимликлар турадиган идишларнинг устини ёпиб юриш лозим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни алоҳида таъкидлаб айтмоқдалар:

«Агар бирортангиз ҳеч нарса топа олмаса, идишининг устига бир чўпни кўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб кўйсин», демоқдалар.

Уламоларимиз ушбу жумлани тушунтириш учун ёзган шарҳларида «Чўп сабаб бўлади, холос. Кўришни Аллоҳнинг исми юзага чиқаради», деганлар. Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, идишининг устини ёпиб юрганлар суюқ ва қуюқ таомларига, ичимликларига турли ҳаром-хариш, соғлиқ учун зарарли ва шубҳали нарсалар тушиб қолишидан четда бўладилар.

### **4. «Мешингни боғла ва Аллоҳнинг исмини зикр қил».**

Бу ерда таом сақланадиган идиш меш, қоп, саноч сингари оғзи ип билан боғланадиган бўлганда уларнинг оғзини боғлаб юриш кераклиги ҳақида сўз кетмоқда. Агар эътибор берадиган бўлсак, ушбу ишларнинг барчасини Аллоҳнинг исмини зикр қилган ҳолда амалга ошириш кераклиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Ҳа, доимо Аллоҳнинг исмини айтиб иш қилиш керак, ана шундагина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек:

**«Бас, шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишларнинг устини оча олмас».**

Агар Аллоҳнинг исми зикр қилинмаса, қанчалик ўраб, бер-китилса ҳам барибир шайтон таом ва ичимликлардан ўз насибасини олар экан.

Ҳаётимизда ушбу ҳадиси шарифга амал қилишга эҳтиёжимиз кўп. Амал қилишга ўтганимизда ҳам «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига амал қилмоқдаман», деган ният билан ўтайлик. Ана ўшанда икки дунё яхшилигига эришамиз. Агар дунёвий манфаатнигина ўйлаб амал қиладиган бўлсак, фақат ўша нарсага эришамиз, холос. Чунки ҳар бир кишига ниятига яраша берилади.

Имом Муслим яна ўша кишидан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Идишларнинг устини ёпинг, мешкобларнинг оғзини боғланг. Чунки йилда бир кеча бор, унда вабо тушадир. Ёпқичи йўқ идиш, боғичи йўқ мешкоб олдидан ўтганида ўша вабодан албатта уларга тушадир», дедилар».

Бу ҳадиси шарифда ҳам доимо, йил – ўн икки ой давомида озиқ-овқат ва ичимликлар сақланадиган идишлар яхшилаб беркитилган ҳолда бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Бу ҳадиси шарифда ҳозирги замон тиб илмлари тасдиқлаган ва қатъият-ла амал қилаётган озиқ-овқат орқали, уларга тушган микроблар орқали турли хасталиклар, вабо – эпидемиялар тарқалиши мумкин эканлиги таъкидланмоқда.

Демак, Исломда тиббий эҳтиёт чоралари бундан бир минг тўрт юз йил илгари ўзига хос услуб билан йўлга қўйилган. Бу иш маълум бир гуруҳнинг ишига айлантирилмай, диний таълимотлар орасига қўшилган. Давлат аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борган.

*«Ҳадис ва Ҳаёт»дан.*